ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ КУТУБХОНАСИ

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 15 октябр | 41 (70)- сон

КЛИНТОН АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА

Вашингтон. (ЮСИА). Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси С. Сафоевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиги топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Клинтон икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгаётганлигидан мамнун эканлигини билдирди ва жумладан шундай деди:

«26 июн куни Оқ уйда Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама мустаҳкам муносабатларнинг ривожланишига янгича куч берди ва Америка халқи номидан Президент Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минтақада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳурматга сазовор бўлган очиқ жамият қуриш йўлида яқинда қўйган ижобий қадамларини маъқуллаймиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожи ички барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундан кейин ҳам мана шу жараённи қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан, айниқса хурсандмиз. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Ўрта Осиё тинчлик баталонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч эътиборни оширди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни таъқиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур тақлифни илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб турамиз. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Ўзбекистон билан янада яқинроқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Ўзбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвеститсия алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қўшма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Ўзбекистон билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғ-кон саноатидаги муваффақиятларни ҳам икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намойиши деб ҳисоблаймиз ва инвеститсия шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиёқ билдирамиз».

ҲУР АВЛОДГА

АМИР ТЕМУРНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ҲАЙКАЛИГА БОҚИБ...

Буюк соҳибқирон миниб отига,
Гўё нутқ сўзлайдур ҳур авлодига:
— Неча асрларнинг қоқиб чангини,
Мен қутлаб турибман юртим тонгини!
Муборак бу тонгни узоқ кутганман,
Келгинди ёв заҳрин мен ҳам юттанман.
Юртим, мангу бўлғай оттан тонгларинг!
Истиқлол тонги деб урган бонгларинг
Акс садо бергай чексиз фалакда,
Бу тоғ муҳрлангай ҳар бир юракда!
«Куч — адолатда» — деб бежиз айтмадим,
Ушбу ақидамдан асло қайтмадим.
Эл учун эзгулик йўлини тутдим,
Ҳаёт — имтиҳондан йиқилмай ўтдим.
Музаффарлик учун тиқдим жонимни,
Жондан севганим-чун Туркистонимни!
Қиличим қинидан суғурдим фақат
Тантана қилмоғи учун адолат.
Қиличдан сўз кучли бўлган соатда
Сўз сеҳрин кўрсатмоқ жоиз, албатта.
Муқаддас Каъбага чўзиб қўлимни,
«Тангри қувватлагай дейман — йўлингни!»
Киндик қоним томган бу азиз тупроқ
Жамики юртлардан мен-чун буюкроқ.
Ахир, ул мен учун тенгсиз саждагоҳ,
Зулматли тувларда бўлмишдур паноҳ!
Ундадир ҳаётим, қалбим, авдуҳим,
Ундадир сизларга талпинган руҳим!
Унда ҳеч беҳуда оқмагай деб қон,
Адолат қудратин айладим қалқон!
Эй мағрур авлодим, мендан васият:
Озодлик — дунёда энг улуғ неъмат.
Озод яшасин деб, бу кўҳна Турон,
Ҳар қарич тупроғи бўлғай деб бўстон,
Буткул ҳаётимни этдим бахшида,
Элга фидойилик — умр нақши-да!
Мардликнинг байроғи тушмаса қўлдан,
Борурсиз бахт сари энг ёруғ йўлдан.
Аҳли жаҳон сизга қолур яна лол,
Зафарга элтгайсиз буюк истиқлол.
Ватаним энг ёвқур чавандоз бўлғай,
Ғолиблик шарафи поёндоз бўлғай!
Истиқлолни асранг кўз қорачиғидай,
Доим ўткир бўлинг бобо тиғидай!
Билсангиз, юртбоши — Ватан тимсоли,
Ватан вужуд бўлса, боши мисоли.
«Тузуклар»ним сизга бергайдур сабоқ,
Ундан мадад олиб, олисларга боқ.
Юртбошн нутқлари янги тузукдир,
Ҳикматли сўзлари олтин узукдир.
Туркистон бирлигин ўйлаган раҳбар — Унинг келажагин кўролган падар.
Юртбошн сўзлари қолмаса ерда,
Тинч ухлаб ётурман Гўри Амирда!

Ғойиб ЁҚУБОВ

Хўжайли



Обуна минбари

МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ

«Мулоқот» журналининг 1996 йилги сонларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Республикамизни кучли, фаровон давлатга айлантиришга қаратилган асарлари, нутқ ва маърузалари таниқли олим ва адиблар томонидан мунтазам ва кенг таҳлил этилди.

Шу маънода «Мулокот»да кўтарилган миллий истиқлол, бозор иқтисоди, иқтисодий ислоҳотларга доир мақолалар кўпчилик мактаб ва олий ўқув юртларида талабаларнинг асосий қўлланмалари қаторидан ўрин олаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Журналнинг «Муҳаррир мулоҳазалари» рукни остида берилаётган материалларда халқнинг тили ва дилидаги мавзулар қаламга олинаяпти. Мунтазам бериб борилаётган бош мақола журнал мукаддимаси, мундарижаси, мазмунининг дебочасидир.

1860-68 йилларда Америкада қулларни озод қилиш учун мамлакат Жанубий ва Шимоли ўртасида фуқаролар урушининг бошланиши Туркистонда пахта яккаҳокимлиги бошланишига сабаб бўлганини ким билади? Ўттизинчи йилларда янги колхозлар тузилган вақтда бой ва ўртаҳол деҳқонларимиздан қанчаси Кавказ, Украина ва Қозоғистоннинг энг совуқ жойларига сургун қилинганини ким билади?

Яна савол: Минглаб фермер хўжаликлари кичик — мини тракторларга зор бўлиб турганида нега Тошкент трактор заводи ҳеч ким сотиб ололмайдиган катта ва қиммат тракторларни чиқараверади ва бу тракторлар занглаб ётаверади? Уларни кичик тракторларга айлантирса бўлмайдими?

Ер юзидаги муқаддас шаҳарларнинг тарихини биласизми?

Ёки: Бозорларда тарозидан уриш, харидор ҳаққига хиёнат қилиш, елгончилик, алдов, чайковчилик авж олишини тўхтатиш учун нималар қилиш керак? Бозорни ким назорат қилади? Назоратчилар пора олиб, чайковчиларга кенг йўл очиб беришига чек қўйиш мумкинми?

Ёки: Мадрасаларда ўқитилган «Чор китоб» қисмларини ким ёзган?

Ёки: Амир Темур нима учун дин уламоларига, умуман олимларга ва пайғамбар авлодлари— сайидларга чексиз ҳурмат кўрсатган? Соҳибқирон учун Чингизхон қонуни — Ясоқ (ёки Ясо) муҳим эдими, ёки ислом шариати қонунларимми? Қайси пири, устози Соҳибқиронга Мовароуннаҳр тақдирини ишониб топширган ва унга «Рости, рости» деб ёзилган узуқни тақдим этган?

Тарихимизда нечта Бойқаро мирзо, нечта Умаршайх мирзо ва нечта Бойсунғур мирзолар бўлган ва ҳар бирининг ватанимиз учун қандай хизматлари бор?

Шу ва шунга ўхшаш жуда муҳим муаммоларни билишни, маърифат булоқларидан қониб симиришни истасангиз, «Мулоқот» журналига обуна бўлинг.

М. МАҲМУДОВ,
«Мулоқот» журнали бўлим мудири

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Кобул. Кейинги беш кун мобайнида, деб хабар қилади Би-Би-Си агентлигининг мухбири Ф. Гудвин, толибонларнинг қуролли кучлари қисқа, бироқ аниқ ҳужумларга дуч келмоқда. Ҳукумат қўшинлари, баъзан эса орқа томондан маҳаллий аҳоли бу зарбаларни бераётир. Ҳукумат яхши ташкил этилган партизанлик ҳаракатини бошлади.

Бу ўз натижаларини бермоқда. Бунга жавобан толибонлар маҳаллий аҳолига қарши ўзига хос чораларни кўриб, уларнинг уйларини ёқиб юбормоқда. Бу ўз-ўзидан маълумки аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаётир. Бинобарин, толибонлар Кобулни қўлга киритганларидан сўнг қилаётган бедодликлари туфайли афғонларнинг барчасини ўзларига қарши қилиб қўйишди.

Кобул. (Рейтер). Собиқ ҳукумат қўшинлари ўзлари икки ҳафта аввал қуриб чиқарилган жойларини, яъни Кобул атрофидаги бир қанча аҳоли пунктларини яна қайтариб олдилар. Толибонларнинг фронт чизиғи Кобулдан икки соатлик йўлда жойлашган Саланг довонида ҳам ёриб ўтилди, деб хабар қилинади.

Исломобод. (Франс-пресс). Толибларнинг аскарлари Кобулдан шимолдаги иккита муҳим шаҳарни тўла топширишди.

Афғонистоннинг ҳукумат қўшинлари толиблар Кобулни олганларидан сўнг ўзлари қолдириб кетган ушбу шаҳарларни яна қайтариб олишди.



«Миллий тикланиш» газетаси Сизнинг оёққа туришингизга ёрдам беради.

Ҳар бир ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан оёққа турган киши ўзини мамлакатнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшяпман деб ҳисоблашга ҳақли.

Чунки қарийб йигирма миллион мустақиллик ва унинг равнақи йўлида оёққа турган кишилар яшайдиган мамлакат ҳамма соҳаларда ҳам муваффақиятларга эриша бошлайди.

Замоннинг маърифий-маънавий, иқтисодий, сиёсий майллари, қизиқишлари, хусусиятлари, турли нуқтаи назарларини англайман десангиз, «Миллий тикланиш» газетаси доим сиз билан бирга бўлади. Газета шундай интилишларни бор кучи билан ёқлайди, қутлайди ва уларни оммалаштиради.

Келинг, бирга фикрлайлик, бирга ўйлайлик ўзимиз ҳақида, Ватанимиз ҳақида, келажагимиз ҳақида. Бир сафда борайлик. Бир сафда туриб миллий манфаатларимизни устивор қилайлик.

Худо равнақ эътиқод билан бир сафда сафланиб турганларни ёқтиради, мадад беради.

Асл гоямиз — миллий тикланиш гояси!

Асл орзуйимиз — миллий тикланиш орзуси!

Кимнинг фаровон бўлгиси келмайди. Ким озодликни ёқтирмайди, ким иззат-икром, шараф билан яшагиси келмайди!

Лекин буларга эришмоқ учун ҳаракатда бўлмоқ керак.

Сиз ҳаракат қилмайсизми? Келинг, ҳаракатни ўзимиздан, ўзимизни ҳар жиҳатдан тиклашдан бошлайлик.

Ўқувли, уқувли, ғайратли, шижоатли одамлар каби бўлайлик.

«Миллий тикланиш» шундай одамларнинг газетаси.

«Миллий тикланиш»га Ўзбекистоннинг барча ерларида, барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Обуна баҳоси ҳам у қадар қиммат эмас. 350-400 сўм ўртасида.

Яхши ниятлардан камолот юзага чиқади.

Камолот йўлдошингиз бўлсин, азиз юртдошлар.

Ҳайрли ишларга шошилинг!

Обуна учун индексимиз:
якка шахслар учун — 64618
ташкилотлар учун — 64619

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ТАҲРИРИЯТИ

«МТ»: воқеалар, хабарлар

БОЗОР ...ИЛМГА АСОСЛАНАДИ

Ўтаётган ҳар бир кун бизнинг онг-шуурimизга янги тушунчалар, янги маълумотлар бераётгандек; биз англаб улгурмаган воқеа-ҳодисотлар астасекинлик билан бўлса-да, ўз шакл-шамойилларини аниқроқ тиниқроқ намойиш этишга чоғланаётгандек. Хусусан, иқтисод борасида.

Дейлик, бозор режа-пежани тан олиб ўтирмайди, ишлаб чиқдингми-иссиғига сотиб қол, қолгани билан ишинг бўлмасин, қабилидаги тушунчалар бор эди бизда. Бозор иқтисодининг устунларидан бўлган талаб ва таклиф қонуниятини ҳам юзакироқ тушунган эканмиз.

Хуллас, ҳар қандай бозор иқтисоди шароитида ҳам, мисол учун пахтачиликни оладиган бўлсақ ҳам, чуқур ўйланган, илмий асосланган, нафақат бугун ё эрта, балки беш, ҳаттоки ўн йилликларга мўлжалланган қатъий режа бўлмоғи жоиз экан.

Ўтган ҳафта Тошкентда Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ярим асрдан ортиқроқ давр мобайнида дунё бўйича пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сотиш юзасидан тўпланган барча масала ва муаммоларни мувофиқлаштириб келаётган ушбу Қўмитанинг бу йилги мажлиси мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётгани бежиз эмас, албатта. Ахир, Ўзбекистон пахта экспорт қилувчи давлатлар ўртасида жаҳон бўйича иккинчи ўринда туради.

Ялпи мажлисда БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти ҳамда Бремен, Ливерпул, Нью-Йорк сингари пахтачилик ассотсиатсиялари вакиллари иштирок этаётганлиги айниқса, унга ўзгача нуфуз бағишлади.

Мажлисда пахтанинг аср сўнггигача бўлган давр ичида кутилаётган харид нархлари, жаҳон пахта бозори фаолиятини такомиллаштириш, пахтачилик истиқболлари ҳақида маърузалар қилинди. Энг муҳими шундаки, ушбу Қўмита ҳамда Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистонда пахтачиликни модернизатсиялаш режаси ишлаб чиқилганди. Режа пахта ҳосилдорлигини ошириш, тола сифатини яхшилаш, тежашдан, экологик вазиятни соғломлаштиришгача бўлган тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу режа амалга ошуви учун бевосита шуғулланиш учун эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида махсус агентлик тузилди.

Иқтисодиётда икир-чикирлар бўлмайди, дейишади. Кўмита ўз мажлисларида ҳаттоки пахта етиштириладиган мамлакатда амалдаги давлат структурасининг тола қийматини белгилашдаги таъсирини таҳлил қилар экан, бундай режани ва ишнинг кўзини билиб фаолият юргазишдан кўп нарсаларни ўрганса арзийди.

ТАЖРИБАГА НЕ ЕТСИН

Бундан ўттиз йил олдин рўй берган Тошкент зилзиласи чоғи бир уста нақ юз йил олдин қуриб кетган баланд иморат қилт этмай тураверган экан. Сўнгроқ, орадан яна ўн йилча вақт ўтиб, ишчилар қўтарма кранлар-у бульдозерлар ёрдамида бетондай қотиб кетган, ҳолбуки, оддий пахсадан бунёд этилган ўта мустаҳкам деворни бир амаллаб бузишганида: бино ўзига хос миллий услубда қурилганини бурчакларга эса оддий халқ «ошиқмошиқ» деб атайдиган мосламалар оддий гувала ғиштлардан ўрнатилганини кўриб, ҳайратланишган.

Демокчимизки, халқ даҳоси, йиллар давомида амалиёт синовидан ўтиб келган тажрибалар бебаҳо ижтимоий-иқтисодий мулк ҳамдир. Замонавий фан бу соҳага ёндашишга, ундан нелардир ўрганишга уринар экан, бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради, бешак.

Фарғонада «Марказий Осиёда залзилабардош иншоотларни қуришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатларининг шу соҳа мутахассислари билан бир қаторда Олмония, Швейтсария сингари мамлакатлардан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Уч кун давом этган семинарда иштирокчилар зилзилабардош иншоотлар қуриш юзисидан жаҳон тажрибалари билан ҳам танишдилар. Аммо, барибир, асосий эътибор маҳаллий хом ашёни ишлатиш муаммосига қаратилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу борада жумҳуриятимиз, айниқса, фарғоналик олимлар қатор ютуқларга эришганлар. Чунончи, Фарғона политехника институтида зилзилабардош биноларни қуришда ишлатиладиган баъзи материаллар яратилди. Мисол учун, иссиқлик электрстанцияси кул чиқиндиларидан керамзит, бетон қотишмалари тайёрланаётган бўлса, бошқа баъзи саноат чиқиндиларидан пишиқ ғиштлар, сув ўтказмас қувурлар, асфалт ишлаб чиқарилмоқда.

КЎП, ЛЕКИН ҚИММАТ

Айниқса, пойтахтимизда юрган маҳали эътибор бергандирсиз, деярли ҳар қадамда Покистону Ҳиндистоннинг ёхуд Эроннинг чарм курткаларини сотиб ўтирган ёймачилару дўкондорларга дуч келасиз. Таассуфки, уларнинг савдоси одам ҳавас қиладиган даражада эмас. Бунинг сабаби эса маълум — маҳсулот қиммат.

Албатта, сув текинга бериб юборганингиз мол терисидан тайёрланган чарм курткани сотиб олишга ўрганасиз. Аммо, на илож. Узингда бўлмагандан кейин...

Бироқ бозор — ўз номи билан бозор. У ўзининг азалий қонунларига таянган ҳолда эҳтиёжманд маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади.

Мана, меҳнаткаш халқи билан машҳур Наманганнинг Косонсой туманида «Касмир дери» деб номланган қўшма корхона ишга тушди. Қўшма корхона «Косонсой меҳнати» ҳиссадорлик жамияти ва Туркиянинг «И-Тако» фирмаси ҳамкорлигида яратилган бўлиб, дублёнка ва чарм камзуллар тикишга мўлжалланган. Ҳозирнинг ўзидаёқ қўшма корхонада икки юзга яқин киши ишлаяпти.

«Касмир дери» терини қайта ишлайди, бўяйди, қуритади, бичади, тикади... Хуллас, сизнинг хом терингиздан яп-янги чарм камзул тайёрлаб беради. Яна бир маъқул томони — нархи арзон бўлади.

Г. МУРОДАЛИЕВА

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг III пленуми мамлакатимиз Ўзбекистон Республикасини мустақиллик байрами, Олий Мажлиснинг VI сессияси, унда юртбошимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиққан навбатдаги вазифаларни бажаришга киришган дамларда ўтмоқда. Ўтган беш йил давомида республикамизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ислоҳотлар чинакам самаралар берди.

Шу йилнинг июн ойида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ташкил этилганига бир йил тўлди. Ўтган давр орасида партия бир қатор ташкилий, сиёсий, маданий, маърифий ишларни амалга оширди. Партия ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон МТДПнинг дастурида халқимиз орасида маърифий, маданий ишларни олиб бориш, миллий қадриятларимизни тиклаш, кишиларда ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, ота-она ва катта-кичикларга ҳурмат, меҳнатсеварлик, адолат, самимийликни тарғибот қилиш масалалари қўйилган. Шулар қаторида Республикамизда фан ва техникани ривожлантиришда зиёлиларнинг меҳнатини фаоллаштириш, Ўзбекистонни илғор ва ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу ишларни партия Марказий ҳайъати ўзининг фаоллари, «Миллий тикланиш» газетаси орқали амалга ошира боряпти.

Бугунги анжуман кун тартибига қўйилган масала ҳам партиянинг ўз дастурида кўрсатилган йўналишлар қаторидан ўрин олган маънавият, ёшларга билим беришни юксак савияга кўтариш масаласига бағишланди.

Ўтган давр орасида ҳамма соҳаларда ўзгаришлар содир бўлгани каби халқ таълимида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилди. «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу қонун мамлакатимизнинг эртаси ва келажаги учун билимли, баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишда муҳим рол ўйнайди. Қонунда бошланғич таълим масаласи ҳам алоҳида ўрин олган. Бу албатта, табиий. Чунки билимнинг асоси ёшликдан берила бошлайди.

Давлат арбоби, буюк шоир Алишер Навоий ҳам 4 ёшда ўзини билимга қизиқ-қанлигини намоён этган. Зокиржон Фурқат ҳам 6-7 ёшидаёқ ўқиш ва ёзишда кўпчиликни ҳайратда қолдирган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шундай экан, болаларга ёшликдан ўз вақтида билим берилиши уларни келажакда катта олим, шоир, давлат арбоби бўлишида муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлатимиз ушбу масалага катта эътибор бермоқда.

Мустақиллик деган сўзнинг қанчалик инсон қалбига қуёш нуридай кириб бориб унга нурафшон йўл очишини, қалби ва дилига қанчалик қувонч олиб киришини яхши биламиз. Чунки мустақиллик бу-эркинлик, ўзини ўзи мустақил бошқариш, ўз ишини ўзи режалаштириш, келажаги ҳақида қайғуришдир.

Ўртага қўйилган мавзу эътибори-ла Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳозирги вақтдаги вазифалари нималардан иборат бўлмоғи керак?

Ҳозир партия сафларида фан-техника соҳаси вакиллари, маорифчилар, халқ таълими муассасалари ходимлари, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, маданият, санъат, архитектура ва бошқа соҳалар ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар. Улар халқимизнинг миллий гўрурини тарбиялаш, сиёсий онгни юксалтиришда катта имкониятларга эга.

Давоми иккинчи бетда



Бу Олтиариқнинг мустақиллик муносабати билан қурилган янги дарвозаси. Шу дарвоза ва унинг ён-веридаги Фарғона қирларидан туриб қарасангиз, ҳосилдор боғзорлар, токзорлар, зумрад экинзорлар оралаб ажиб бир фаровон гўшалар, қишлоқлар ястаниб ётганлигини кўрасиз. Бунда турли саноат корхоналари ҳам қишлоқ муҳитига уйғун ҳолда сингиб кетган. Бундай уйғунликни Европада кўп учратгансиз. Аммо бу Европа эмас, Олтиариқ. Европа билан ҳам, дунё билан ҳам алоқа боғлаётган, миллий тикланиш руҳи билан яшаётган Олтиариқ...

Олтиариқ ҳаётига бағишланган материалларимизни 3-бетда ўқийсиз.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИ III ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъатининг III пленуми таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикасини мустақилликка эришуви ва ўтган 5 йил даврида амалга оширилган ишлар мамлакатимиз халқлари ҳаётида катта ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий масалаларда жиддий ўзгаришлар ясади. Булар ҳақида мамлакатимиз Олий Мажлисининг VI сессиясида юртбошимиз Ислом Каримовнинг сўзлаган маърузасида батафсил айтилди. Жумладан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланди. У ўзининг янги Конституциясини қабул қилди, давлат герби, байроғи, мадҳиясини яратди. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли белгилаб олинди. Ўзбекистонни жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатлари таниди ва тан олди.

Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо этиб қабул қилинди. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда. Иқтисодий , ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишлар кутилган натижаларни бера бошлади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат тилига ўтилди, лотин графикасидан янги алифбо жорий қилинди, «Таълим тўғрисида» ва бошқа бир қанча қонунлар амалга оширила бошланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун натижасида мамлакатимиз билим даргоҳларига янги йўналишдаги ўқув турлари, гимназия, литсей, коллежлар кириб келмоқда.

Болаларга илк билим берадиган бошланғич таълимни самарадор ва оптимал йўналишлари излаб топилмоқда. Булар ҳақида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раиси муовини Тошпўлат Тошлоновнинг «Миллий тикланиш ва бошланғич таълим» мавзуидаги маърузаси, сўзга чиққанларнинг нутқларида ҳар томонлама баён этилди.

Пленум мазкур масала юзасидан **қарор қилади**:

I. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раиси муовини Тошпўлат Тошлоновнинг «Миллий тикланиш ва бошланғич таълим» мавзусидаги маърузасида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асос учун қабул қилинсин. Халқ таълими муассасаларининг бошланғич таълим ишларини такомиллаштиришдаги ишларига ҳар томонлама ёрдамлашиш Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташкилотларининг фаолиятларидаги муҳим йўналишлардан бири деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати пленуми таъкидлайдики, мамлакатимизда ёш авлодни ўқитиш-тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишларда вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда фаол иштирок этиб, яқинлашиб қолган XXI аср авлодини билимли, баркамол инсон бўлиб етишишларида ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

3. Вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотларига икки ой муддат орасида муҳокама этилган масала бўйича пленум йиғилишларини ўтказиб, жойларда халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлари юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

Марказий ҳайъат, вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотлари ўз тадбирларида қуйидаги масалаларни эътиборга олишлари таклиф этилсин:

-иқтидорли болалар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

- боғча, ясли фаолиятини яхшилаш мақсадида уларга ҳомийлар топишда, боғчаларда хорижий тилларни ўрганиш гуруҳларини ташкил этишда халқ таълими бошқармаларига ёрдамлашиш;

— бошланғич синфларда болаларни тез ва тўғри ўқишга, ўқиган мавзуни айтиб бера олишга эришишда, ўқувчилар орасида йил давомида «Ким кўп китоб ўқиди?, «Ким кўп шеър ёдлади?» мавзуларида мусобақалар, беллашувлар ўтказишда халқ таълими муассасаларига кўмаклашиб бориш;

- халқ таълими бошқармалари билан ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда бошланғич синфларда энг яхши натижага эришган ўқитувчилар ва ўқувчилар учун рағбатлантиришнинг чораларини ўйлаб топиш, уларни «Миллий тикланиш» газетасида тарғибот қилиб бориш;

— бошланғич синфлар учун кўргазмали қуроллар, дастур, дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда иштирок этиш;

— нафақа ёшидаги илғор тажрибали, новатор ўқитувчиларни ҳамиша диққат-эътиборда тутиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб келган ёш ўқитувчиларни оталиққа олиш ва илғор, янги педагогик технологияни қўллаётган ўқитувчиларни уларга устоз этиб тайинлаш, умуман барча ўқитувчи ва мураббийларни ҳимоя этиш, уларнинг илғор тажрибаларини қўллаб қувватлаш, тарғибот этиш Ўзбекистон МТДП нинг вилоят, туман, шаҳар ташкилотларини вазифаси деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон МТДП вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотларига болаларни 1-синфга боргунга қадар алифбони ўқишни ўрганиб олишларида боғча, оила, маҳалла қўмиталари қошида мактабга тайёрлов гуруҳларини тузишда фаол иштирок этишлари вазифалари юклатилсин.

5. Юксак маънавиятли, маърифатли ёш авлодни тарбиялашда Ўзбекистон МТДП ташкилотлари сафларидаги олим, ёзувчи, шоир, санъаткор, архитектор, тиббиёт ходимлари ва бошқа зиёлиларни мактабларга юбориб, улар томонидан маънавият, ахлоқ, тарбия мавзуларида суҳбатлар уюштириб бориш каби вазифалар белгилансин.

6. Вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотларига ҳар бир мактабда ўқувчилар ошхоналарини мунтазам ишлашлари, уларда арзон ва сифатли нонушталар бўлиши учун касаба уюшмалари, ҳомий ташкилотлар, ҳокимиятларга яқиндан ёрдам бериш вазифалари юклатилсин. Бу соҳадаги илғор тажрибалар «Миллий тикланиш» газетасида тарғиб этиб борилсин.

7. Ўзбекистон МТДП Марказий ҳайъатига бошланғич синф ўқувчилари учун Республика матбуот кўмитаси, ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда энг яхши ўқувчилар асарлари кўрик-танловини эълон қилиш, ғолибларнинг асарларини «Миллий тикланиш» газетасида ёритиш вазифаси топширилсин.

8. Ўзбекистон МТДП Марказий ҳайъатининг III пленуми шуни ишонч билан таъкидлайдики, барча вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг 5 йиллик мустақиллик даврида эришган ютуқларини янада бойитиб боради. Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ўз улушини фаол қўшади. Мамлакатимиз келажагини бошқариб борадиган ёш авлодни билимдон, ватанпарвар, инсонпарвар, юксак маънавиятли кишилар бўлиб етишишлари учун халқ таълими муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликда астойдил ҳаракат қилади.

Тошкент, 1996 йил 2 октябр

КИТОБЛАР ҚАТИДА ҚОЛГАН ГУЛЛАР

КУТИЛМАГАН НУТҚ

Ўзек халқининг оташнафас, ҳозиржавоб, академик шоири Ғафур Ғуломнинг Андижонда дўстлари кўп эди. Ҳар гал Андижонга келса Улфат, Амонулло Валихонов каби қадрдонлари билан учрашар, вилоят туманлари бўйлаб сафарга чиқар эди.

Бир куни улар Хўжаободга боришди. Ўша вақтда туманга Турсуной Каримова раҳбарлик қилар эди. Турсуной опа шоирларга туманнинг ижтимоий-сиёсий юксалиши ҳақида мароқ билан ҳикоя қилди. Сўнг суҳбат бир пиёла чой устида давом этди.

Меҳмондорчилик роса авжига чиққанда бирдан Ғафур Ғулом безоватлана бошлади. Нагадир у «кетамиз»га тушиб қолди.«Қўқонқишлоққа», дер эди у.

Улфат бир оз сабр қилишни маслаҳат берди. Турсуной Каримованинг қистовлари ҳам кор қилмади. Улар худди биров кутаётгандай, айтилган вақтидан кеч қолишаётгандай шошилиб жўнашди. Қўқонқишлоққа киравериш да пахта заводига яқинлашганларида кўчаларни тўлдириб турган жамоага рўбарў келишди. Тўхташди. Нима гаплигини суриштиришди. Маълум бўлишича, туман комсомол қўмитасининг котибаси, ёш қиз автомобил фалокати туфайли ҳалок бўлган экан. Бу совуқ хабарни эшитган алломалар жанозага келганлар қаторида қўл қовуштириб турдилар.

— Қабристонга ҳам борамиз, — деди Ғафур Ғулом мунгли оҳангда.

— Борамиз, савоб бўлади, — деди Улфат. Қабристонда дафн маросими бўлди. Маросимда Ғафур Ғулом якин кишисини йўқотгандай сўзлади.

Кутилмаган нутқ шундай гамгин ва жўшқин, юракларни ларзага солувчи ва таскин берувчи сўзга айландики, уни ҳамон ҳайрат билан таърифлайдилар. Буюкларнинг буюклиги ҳам мана шунда!

БИРИНЧИ ГУЛ

Андижон шаҳридаги Навоий шоҳкўчасининг бошланишида, ҳозирги тиббиёт олийгоҳининг рўпарасида шоир Собир Адбулланинг ҳовлиси бўлар эди. Ҳовлининг кўча томонидаги бир хужрасида Хуррам таҳаллусли шоир Абдулҳамид Абдураззоқ яшарди. 1948 йилнинг баҳорида Ғафур Ғулом уникида 3-4 кун меҳмон бўлган эди. Ҳовлида гуллар кўп бўлиб, биринчи очилганини Хуррам узиб Ғафур Ғуломга тақдир этади. Шунда у атиргулни олиб, бир хидлади-да, тасодифан илҳом келиб шеър айта бошлади. Шеър мисралари худди илгари ёзилгандай, уни ёдлаб ўқиётгандай эди. Аслида Ғафур Ғулом уни гулга ва шоирга қараб тўсатдан ижод қила бошлаган эди. Ўша шеър Улфат (Имоиддан Қосимов) архивида сақланмоқда.

Бу баҳор тонгида биринчи гулни,
Андижон шаҳрида ҳидладим, тоқдим.
Бу гулни энг азиз ва ғариб дўстим
Мулла Абдулҳамид айлади тақдим.

Ёнида ғунчаси, яфроғи тугал,
Бу гулни китобга солиб қўйганман
ва унга насиҳат қилар чоғида
Танбурни қулоққа чолиб қўйганман.

Тақдим этганинг шу гулни, дўстим,
Ўз кўзинг остида чаккамга тоқдим,
Ҳазил-ҳузул аралаш рост сўзни айтиб,
Қалбингга гул рангли бир гулхан ёқдим.

ШОИРДАН ЮКДИ

1943 йилнинг октябр ойлари эди. Собир Абдулла, Сайфий, Улфат Наманганга боришди. Бу ерда С. Абдулла қаламига мансуб «Тоҳир ва Зуҳра» спектакли намойиш этилаётган эди. Адиблар давлат арбоби Усмон Юсупов ҳамроҳлигида театрга киришди.

— Ҳали вақт бор экан, — деди Усмон Юсупов, — унгача Қамар ролини ўйновчи бир қиз бор. Унинг ижросида қўшиқ эшитиб турсакми, дегандим.

Ҳамма рози бўлди. Бироздан кейин қиз чиқиб иккита ашула айтди. У шундай маҳорат билан куйладики, Усмон Юсуповдан тортиб шоирларгача ҳайратда ўтиришди. Қўшиқ тугагач, Усмон ака шоир Сайфийга қараб: «Домла, йигирма мисра шеър қарздор бўлдингиз», деди. Сайфий чиқибоқ қўлига қалам олиб, шеър ёзди.

Куйлайди шаккар сочиб, саҳнада жонон кеча,
Айлади эл комини бир шаккаристон кеча.

Улфат шеърни тинглагач, унга дарров мухаммас боғлади:

Бўлди парий чеҳрани кўргали имкон кеча,
Келди ёқимли насиби ғунчани хандон кеча,
Лутф ила лаъли лаби бўлди дурафшон кеча,
Куйлади шаккар сочиб, саҳнада жонон кеча,
Айлади эл комини бир шаккаристон кеча.

Саккиз банддан иборат бу шеър тезда ижод қилинди. Бунда Ғафур Ғуломнинг ҳозиржавоблик «касали» дўстларига юққани сир эмас. Шеър эса ҳозир халқ артисти бўлмиш хушовоз хонандамиз Саодатхон Қобулова шарафига ёзилган эди.

ДЎСТЛАР ҲАЗИЛИ

1944 йилда Янгийўл театрига Ўзбекистоннинг кўзга кўринган санъат усталари тўпланган экан. Улар тез-тез театр яқинидаги «Туркманбоғ»да чойхўрлик, баъзан ҳарпана шўрва ёки ош қилишарди. Бир куни театрнинг бош режиссёри Етим Бобожонов, машҳур созанда Ахмаджон (қўшнай), Ю. Ражабийлар шўрва қилишадию, нон топишолмай қолишади. Шунда кимдир ҳозир шоир Ҳабибий икки буханка нон олиб ўтганини айтади. Ўшанда шоир «Туркманбоғ» боғида яшар эди.

Санъаткор жўралар нонни қандай олиш режасини тузадилар. Ҳабибийнинг «Маруча» лақаби ити бор экан. У учта болалаган эди. Тўпланганлар кучукларни йўқлаб, қўғирчоқбоз сифатида Ҳабибий хонадонига боришади. Аҳмаджон сурнайда, Юсуфжон қизиқ доирада, Ю. Ражабий ўйинга тушиб киришади. Ҳеч нарсадан бехабар Ҳабибий ҳайрат билан қўғирчоқбозлар қиёфасидаги санъаткорларни кутиб олади. Улар санъатларини намойиш этишгач, дуога қўл очишади. Ҳабибийнинг кучукларидан бири йўлбарсдек кучли, иккинчиси арслондек чаққон, учинчиси қоплондек салобатли бўлишини тилайдилар.

Шоир ноилож дастурхон ёзиб, бир буханка нон ва битта қовун қўяди. «Қўғирчоқбозлар» нон билан қовунни олиб жўнайдилар. Мақсадга эришишгач, ҳиссадор сифатида Ҳабибийни ҳам шўрвага айтиб келадилар.

Муқимжон НИЁЗОВ,
Андижон

БИЗНИ ҚУВОНТИРМАЙ КИМНИ ҚУВОНТИРСИН

Куни кеча Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларидан партиямиз ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Пленумга қўйилган масалалар юзасидан партия аъзолари, яъни зиёлилар, олиму фозиллар, бир сўз билан айтганда, маданият, маънавият ва маърифат пешволари, фидойилари ўз фикрларини, таклифу талабларини баён қилдилар. Таклиф, тадбирлар бу, албатта, яхши, аммо уни амалга ошириш ва ҳаётга олиб кириш ундан ҳам яхши.

Гапнинг мазмуни, баъзи вилоятларда партия ишларининг сустлиги ва партия фаолияти моҳиятини тўла ва аниқ тушунмаслик ҳоллари баъзи вакилларимизнинг сўзларидан маълум бўлди. Шу муносабат билан партиянинг раёсат аъзолари яна бир карра партиянинг Низоми, Дастури моҳияти, салоҳияти ҳақида тўхталиб, туғилган саволларга аниқ ва равшан жавоб қилдилар. Пленумда Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди, чунки маъруза партия фаолияти билан боғланган ҳолда бўлди. Яъни муддао, муаммо бирлигини билдирди. Маъруза юзасидан, қизғин савол-жавоблар ҳам бўлди.

Халқ таълими ҳақидаги гаплар ҳаммани ўзига тортди ва жуда муҳим гаплар ўртага қўйилди.

Ҳаммага маълумки, бошланғич таълим келажакнинг олтин меваси, агар ўз вақтида тўғри ва равшан йўлда бўлса, нуқсонлар камайиб, ютуқлар кўпайиб борса, бу албатта, оқил ниятнинг рўёбга чиқиши, шаклланиши ва камол топишидир. Мен болалар боғчаси, бошланғич мактаб ўқувчиларининг мусиқа таълими ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада ҳозирги кунда мақтовга арзийдиган ишлар ҳали йўқ, режалар бор, холос. Болалар боғчалари, махсус мусиқа мактаблари, интернатлари, билим юртлари ва мусиқага алоқадор институтлар, консерватория учун янги замонавий талабларга жавоб берувчи мусиқа дастурларини тайёрлаб чоп этиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб, ўз навбатини кутиб турибди. Республикамизнинг вилоятлари, туманларида янги замонавий миллий мусиқа педагогик дастурларига муҳтожлик жуда катта ўринни эгаллайди. Очиғини айтганда, 1970-80 йилларда чоп қилинган, эскирган педагогик дастурлар билан иш олиб бориляпти. Бу ҳолда жойимиздан юксалиш сари силжиш амри маҳолдир. Замонавий миллий мусиқамиз қани? Ҳозирча бунга жавоб тайёр эмас...

Халқ ичида кенг тарқалиб айтиб келинаётган енгил-елпи қўшиқларнинг ҳаммасини ҳам яхши деб бўлмайди. Бир ёмон қўшиқни такрор-такрор раидо-телевидение орқали, бозорларда магнит лентлари орқали эшитавергандан кейин эътибор пасайиб, кўникиб ҳам қоларкан киши.

Бу борада сирдарё, Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари жамғармалар билан маълум даражада иш олиб бормоқдалар. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоят партия ташкилотларида ҳали, бу соҳада фаоллик етишмайди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати барча вилоят партия ташкилотларига ўз вилоятларидаги «Соғлом авлод учун» ва яқинда ташкил этилган «Камолот» ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлари режаларини тузиб олишларини тавсия этади. Бу борада, масалан, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда умум таълим мактабларида, ёзги болалар дам олиш оромгоҳларида санъат, спорт каби соҳаларда турли тадбирларни ўтказишлари мақсадга мувофиқ бўларди. Марказий ҳайъат бу соҳада Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Марказий ҳайъати ва Халқ таълими вазирлиги билан бирга 1997 йилдан «Мен шу азиз Ватан фарзандиман» мавзуида ўқувчиларнинг ижодий иншо иши кўрик-танловини ўтказишни, бошланғич синф ўқувчилари учун «Буюк алломалар ҳаётидан лавҳалар» китобчаларини чиқаришни ва бошқа тадбирларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Умуман айтганда ёшларни илк чоғдан билим олиш, Ватанимиз, халқимиз тарихини болаларга ўргатиб боришда партия турли жамғармалар, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб бориши керак.

Маълумки, замон талаби асосида тарбияланган ёшлар деганда маънавиятли ўғил ёки қизни тушунилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан буён Президент Ислом Каримовнинг асарларида, Олий Мажлисда сўзлаган нутқларида юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Яқинда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг чиқиши ҳам бунинг яққол далилидир. Мазкур фармонда жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ҳис-туйғуларини шакллантириш лозимлиги кўрсатилган.

Яна энг қувонарли томони шундаки, ҳар йили 1 октябрда «Ўқитувчилар куни»ни нишонланишини кўрсатилиши ҳам ўқитувчи, мураббийларга қилинаётган ғамхўрликдир.

Шундай экан, ўсиб улғаяётган ёшларнинг маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндошмоқ зарур. Бу ишда турли омиллардан фойдаланиш мумкин. Шулардан бири бизнинг партиямизни Дастурига киритилган маънавий бирликдир. Унда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси жамиятдаги тинч-тотувлик, қонун устиворлиги, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқининг таъминланиши, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар равнақи, давлатчилик ва истиқлолнинг мустаҳкамланиши миллий-маънавий бирликка боғлиқлигини эътироф этади ва ўз ҳаракатини мана шу бирликка эришишга қаратади. Партия миллий-маънавий бирлик улуғ ғоя ва мақсад билан йўғрилмоғи лозим деб билади ва бу ғояни миллий тикланиш ғояси деб ҳисоблайди. Тикланиш — юксалиш демакдир».

Кўриниб турибдики, бу мазмун ўз замирига кўпгина ғояларни олади. Улар орасида ўтмиш алломаларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш ва уларни ҳурмат этиш, улар кўрсатмаларига амал қилиш лозимлигини ҳам англатади.

Маънавият ҳақида гап борар экан, болаларимизга ёшлигидан ана шу маънавий меросларимизни ўргатиб боришимиз лозим. Бу ишда партиямиз сафидаги олимлар, ўқитувчилар, ёзувчи, шоирлар, журналистлар ва бошқа соҳадаги зиёлилар ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Юқорида номлари келтирилган сиймолар ҳақида болалардбоп асарлар, ҳикоялар, шеърлар, достонлар ёзиб, болалар дунёқарашини бойитиб бормоқ зарур.

Ўзбекистон Республикасини буюк келажаги ёшларнинг таълим-тарбиясига боғлиқ экан, ҳозирги даврдан ёшларимизга таълим беришни энг самарали усулларидан фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз таълим соҳасига турли ўқув турларини олиб кирди. Ҳозир ҳар бир вилоятда, бир неча йўналишдаги литсей, коллежларни учратиш мумкин. Ундан ташқари Республикамизда иқтидорли болалар учун тегишли шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Шу кунларда иқтидорли ўқувчиларимиз ва талабаларимиздан хорижий мамлакатларда ўз билимларини ошираётганини эшитиб мустақилликка эришганимизга яна бир бор қувонамиз. Ҳозир ҳар бир ота-она ўз фарзандини инглиз, франсуз, араб, рус, испан тилларини ўрганишини орзу қилади. Бу ўринда халқ таълими тизимидаги болалар боғчаларидаги катта ёшдаги болалар гуруҳида чет тилларини, компютер сирларини, баъзи тажриба боғчаларда иқтисодиёт ва ҳуқуқий тушунчаларнинг асослари ўргатилаётгани бизни қувонтиради. Самарқанд шаҳридаги хорижий тиллар институти литсейида (ректор Юсуф Неъматович Абдуллаев), шу шаҳардаги Олга Львовна Семиненко директорлик қилаётган иқтидорли болалар мактаб-боғчаси иш тажрибалари диққатга сазовордир. Масалан, хорижий тиллар институти литсейида ўқиётган болаларга инглиз, турк тилларини чуқур ўргатиш билан бирга уларга компютерда ишлаш машғулотларига алоҳида эътибор берилади. Мактаб-боғчага эса иқтидорли болалар махсус кузатув ва синовлар орқали танлаб олинади ва улар билан машғулотлар ўйин тарзида ташкил этилади. Уларга 3 ёшидан табиат ҳақида тушунчалар берилса, кейинги 4, 5, 6, 7 ёшларда математика, меҳнат, халқ анъаналари, чет тили, она тили, жисмоний тарбия ва бошқа фанлардан болаларни ёшига қараб маълумотлар бериб боради. Бу боғча-мактабга болаларини беришни истаганлар, ота-оналар кўп, лекин уларнинг фарзандлари махсус тест синовлари орқали қабул этилади.

Бундай мисолларни Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳарларида ҳам учратиш мумкин.

Ёки яна бир мисол. Жиззах вилоятининг Зомин туманида 1-ўрта мактаб бор. Бу мактабни «Кичик академия» ҳам деб аташади. Бунинг сабаби бу мактаб жамоасидаги ўқитувчилар болаларга бошланғич таълимни беришда ёки уларда ўқишга хавас, билимга иштиёқ туйғуларини шакллантиришда олишда турли дарс шаклларидан фойдалананадилар. Шунинг натижасида мактаб 67 йил фаолияти даврида жуда кўп кадрларни етиштириб берди. Бу мактабни битирган ўқувчилардан 6 киши фан доктори, 50 дан зиёд фан номзодлари илмий даражаларини ҳимоя қилдилар.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиор билан яшаяпмиз ва меҳнат қилмоқдамиз. Буюк давлат учун ўқимишли, ватанпарвар, халқпарвар, баркамол инсонлар керак. Кишига бундай фазилатлар ёшликдан берилади. Шундай экан, юксак маънавиятли тарғиботчилари бўлган бизнинг зиёлилар партияси бу ишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бу ишларни амалга ошириш эса юқорида айтиб ўтганимиздек, халқ таълим муассасалари, Маданият ишлари вазирлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилгандагина яхши самаралар беради. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташкилотлари бундан буён ўз меҳнат фаолиятида маърифат йўналишини шу жабҳада олиб боради ва XXI аср фарзандларини ўқимишли, меҳнатсевар, ватанпарвар, юксак маънавиятли кишилар қилиб вояга етказишда фаол иштирок этади деб ишонч билдиради.

Т. ТОШЛОНОВ



Мажнунтолнинг соясида турнақатор тизилади,
Юрагига гул даврининг туйғулари чизилади...

Боши биринчи бетда

Бошланғич таълим тўғрисида фикр юритар эканмиз, Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, ҳар йили республика бўйича икки миллионга яқин бошланғич синф ўқувчилари билим оладилар. Биринчи синфларда эса йилига 600 мингдан зиёд ўқувчилар савод чиқарадилар. Буларни ўқув дарсликлари, кўргазмали қуроллар, ёзув дафтарлари, бошқа тегишли нарсалар билан таъминлаш, ўқитувчи кадрларни етказиб бериш давлатимизга жуда катта сарф-харажатга тушади.

Масалан, ҳар йили умумтаълим мактабларининг барча синфлари учун агар ҳамма предметларни оладиган бўлсак, 1060 номда 71 миллион нусха дарсликлар нашр этилиши лозим экан.

Мустақиллик шароитидан ва мамлакатимиздаги ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги содир бўлаётган ислоҳотларни дарсликлар мавзуига киритилишини эътиборга олсак, биринчи синфлар учун 45 номдаги дарсликларни қайта нашр этишга тўғри келди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантириш бўйича жуда катта муаммоларни ҳал этиш лозим. Лекин, бу масала юртбошимиз Ислом Каримовнинг ҳамиша диққат-эътиборида турибди. Шунинг учун ҳам мактаб, маориф учун қанча сарф-харажатлар зарур бўлса, мумкин қадар ажратилиб берилмоқда.

Мана шу олижаноб ишда партиямизнинг ҳар бир аъзоси ўзининг тегишли ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоғи лозим. Лекин бу қандай ва қайси йўллар билан амалга оширилади? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак. Ёки бўлмаса биз қайси соҳаларда халқ таълими муассасаларига ёрдам беришимиз мумкин?

Бу йил «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул этилганига 2 сентябр куни 3 йил тўлди. Ҳозирги вақтда халқ таълими муассасаларида нихоятда жиддий ва давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар бошланганини яхши биламиз. Бу йил умумтаълим мактабларини биринчи синфига борадиган болалар ана шу лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ўқий бошладилар. Бу ишни бошлашга Халқ таълими вазирлиги ва унинг малака ошириш институтлари, Республика илмий таълим методик Маркази, Қ. Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ва бошқа жамоалар масъулият билан катта тайёргарлик кўрдилар. Биринчи синфларга борадиган болалар учун янги лотин графикасида алифбо тайёрланди, бошқа ўқув дарсликлари, қўлланмалари нашр этилди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўқитиш бўйича малака ошириш институтларида етарлича ўқитувчи кадрлар қайта тайёрланди.

Ўйлайманки, партиямиз аъзолари болалар боғчалари, бошланғич синфлар учун яратиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, расмли кўргазмали қуроллар яратишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошланғич синфлар учун «Энг яхши дарслик», «Энг яхши қўлланма» ёки «Энг яхши кўргазмали қурол» кўрик-танловларини ўтказиш ҳақида вазирлик билан бирга иш олиб бориш керак. Бу тадбирни Халқ таълим вазирлиги, Фан ва таълим касаба уюшмаси марказий қўмитаси қўллайди ва буни амалга оширишда ҳар тарафлама кўмаклашадилар деб ўйлаймиз.

Ҳозирги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий, маърифий соҳаларда республикамиз халқлари ҳамоҳанг бўлиб, меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимиз халқлари тинч-тотувлиги уларнинг жипслигини, келажакка катта ишонч билан қараётганлигини кўрсатади. Шундай экан, ана шу келажакка ишонч руҳини ёшларимиз онгига синдириш ҳам энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Соғлом авлод учун», республикамиз ёшларининг «Камолот» жамғармалари Ўзбекистоннинг соғлом авлодини тарбиялашда ва вояга етказишда энг муҳим тадбирлардан бири бўлди.

ТАНГРИ АЗИЗ ҚИЛГАН ЗОТ

Амир Темур халқимизнинг бахтидир. Ғурури, фахридир. Жаҳонда жуда кўп улуғ зотлар ўтган. Лекин Амир Темур каби улуғ зотлар жуда оз.

Турондан, турк элидан чиққан баҳодирлардан икки улуғ зот алоҳида ажралиб туради. Улар фақат Турон тарихи, турк қавмлари ҳаётида эмас, жаҳон халқлари тарихида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бири милоддан аввалги 700-нчи йилларда яшаган Афросиёб бўлса, иккинчиси Амир Темурдир. Афросиёб ҳаёти ва фаолияти бизда энди ўрганилмоқда. Шу чоққача ватан озодлиги, мустақиллиги ва ободлиги учун курашган, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Хос Ҳожиб, Фирдавсий ва бошқалар мадҳ этган бетакрор давлат арбоби ва мохир саркардани кўпчилик олимлар афсонавий қаҳрамон деб ҳисоблардилар.

Истеъдодли профессор Насимхон Раҳмон ва Абдурашид Абдурахмоновлар Афросиёб ҳаёти, давлат бошлиги ва саркардалик фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар топиб, илмий асарларида ёритиб, халқимизга танитиш устида ишламоқдалар. Бу зот жуда қадим замонларда яшагани учун замон алғов-далғовлари тўфонида яхлит китоблар йўқолиб кетган. Фақат табаррук номи ва айрим ишлари ҳақида ҳар хил китобларда узуқ-юлуқ маълумотлар қолган. Хайрият шулар ҳам бизгача етиб келди. Энди миннатдор авлод у зотнинг тарихи ва бадиий симосини қайта тиклашига умид қилиш мумкин.

Амир Темур ҳақида эса маълумот жуда кўп. Турк, форс ва араб тилидаги тарихий, бадиий китоблар, расмлар, турли шаҳарларда у зот қурдирган ёдгорликлардан ташқари, инглиз, француз, испан, немис, рус тилидаги бехисоб китоблар. Тўғри, у китобларда Амир Темурга муносабат бир хил эмас. Лекин Амир Темурнинг саркардалик салоҳияти, давлат бошлиғи сифатидаги тадбиркорлиги, улуғлиги устига гап кетганда улар якдил. У зотнинг улуғлигини тан олишади.

Хуллас, Амир Темур ҳақида жуда кўп асарлар ёзилган. Лекин бутун совет тузуми даврида бу китоблар ўқилмади. Бунга сиёсат йўл бермади. Ўзбек халқи ўзининг кимлигини билиб қолишидан чўчирдилар.

Мамлакатимиз мустақил бўлди. Яхши замонлар келди. Шу туфайли инқилобдан аввал яшаган рус ёзувчиси Владимир Череванийнинг «Амир Темур» рўмони ўзбек тилида босилди. Англиялик ёзувчи Хилда Хуккэмнинг «Етти иқлим ҳукмдори» рўмони Тошкентда рус тилида нашр этилди.

Ўз шоир, ёзувчиларимиз ҳам рўмон, қисса, саҳна асарлари ёздилар. Улар нашр этилиб, саҳнага қўйилмоқда.

Мен ҳам ёшлигимдан соҳибқирон Амир Темур ҳаёти билан қизиқардим. У киши ҳақидаги китобларни излаб, топиб ўқирдим. Бартолд, Якубовский, Греков, Ланглэ, Клавихо ва бошқаларнинг рисолалари билан танишган, «Гулистон» журналида босилган «Темур тузуклари» ва Иброҳим Мўминовнинг китобчасини ўқиган эдим.



Тарихдан маълумки, қадимги ва ўрта аср Шарқ фанида етти иқлим деганда Осиё, Европа ва Африканинг шимолий қисмларини ўз ичига олган ҳудудни тушунганлар. Халқ афсоналарида, подшоҳ шундай катта тўй-томоша қилдики, овозаси етти иқлимга таралди, деган ибора ҳам бор. Соҳибқирон Амир Темур етти йиллик ғарбий юриш чоғида, ўша даврнинг донгдор подшоҳлари — бутун Арабнинг ҳукмдори Миср султони ва Европани ларзага келтирган Рус султони билан, уларнинг юртига бориб беллашиб қолиб чикди. Ҳақиқатда, бундай подшоҳлик ва саркардалик иқтидори билан тенглаштириш учун тарихдан мисол топиш мушкул. Соҳибқирон ана шундай оғир ва масъулиятли сафардан она юртига эсон-омон қайтиб келгани шарафига пойтахт Самарқандда катта тўй берди. Бу тўйнинг довруғи етти иқлимга таралибгина қолмай, балки унда етти иқлим мамлакатларидан вакиллар ҳам иштирок этган эдилар. Буюк тантана тавсифи ўша даврда ёзилган китоблардан ҳам ўрин олган. Жумладан, ушбу тўйда бевосита иштирок этган Испания қироли элчиси Руи Гонзалес де Клавихо, тантаналар шоҳиди араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ, Темур ва темурийлар тарихига бағишланган форсий забон муаллифлар асарларида бу ҳақда сўз юритилган. Қуйида, биз темурийлар даврининг машҳур тарихчиси, Соҳибқирон ўрдусининг муншийси бўлган Ҳофизи Абрунинг «Зайли Зафарноми Шомий» асарида ана шу катта тўй ҳақида ёзилган тафсилотларни форс тилидан ўгириб келтирдик. Бу маълумот ўзбек тилида биринчи бор тақдим этилмоқда.

САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТГАН ТЎЙ-ҲАШАМ

Олий ўрду ва катта уғруқ нусрат шоир байроқлар ортидан дорис-салтана Самарқандга етиб келгач, ҳазрат Соҳибқирон шундай бир буюк юришдан фарзандлари ва амирлари билан соғ-саломат пойтахтга келиб қўнганлиги муносабати билан катта тўй бериб, сипоҳ амирлари ва олампаноҳ даргоҳ баҳодирларини суюргомиш ва оғирламишлар ила сийлаб, ҳар бирининг мансаби ва ҳурматига қараб суюргол ва чилд ила тақдирламоққа буюрди. Вояга етган шаҳзодаларга ҳам ҳар қайсисига ҳурмат муносиб, тагли-тугли ёстиқдош белгилади. Фармонга мувофиқ кўркам Конигул ўлангидан то Шовдоргача, тахминан ўн фарсанг келадиган ораликка, Соҳибқирончинг муборак ўрдулари, барча шаҳзодалар, ноёлар, ўғлонлар, амирлар, мўътабар шайхларнинг қайтуллари ва жаҳонни забт этувчи турк ва тожикдан иборат турли-туман аскарлар ҳар бири мавқеи ва мансабига кўра келиб қўндилар.

Катта ўрду келиб тушган жойга қирқ устунли олий даргоҳни тикдилар, унинг атрофида ярим фарсанг келадиган ерни боргоҳ, ката чодир ва соябонлар воситасида кўёш нурлари тушмайдиган қилдилар; ҳусравона ҳукмлар ва Кайхисрав ҳузуридагидек жомларни қатор териб, турли-туман егулик ва ичимликлар билан тўлдириб ташладилар. Етти иқлим султонларининг чодирлари (Соҳибқирон) ўрдуси атрофида узоқ-узоқларгача ястанган эди. Унинг ортида туман амирлари ва қўшин бошлиқлари бир хиллари яқинроқда, баъзилари узоқроқда, чавчилар, амалдорлар ва сардорлар келиб тушдилар, ҳар бирига чодирлар қурилган эди. Унинг ортидан лашкар қисмлари—мингликлар, қўшинлар, юзликлар ва ўнликлар тартиб билан ҳар қайсиси ўз жиргаси ортида чўк-чўк бўлиб ўрнашди; тавочи, аюдочи ва ясовул амирлари хос бедовларга миниб олиб тарқу ва назли ила ёсол ва ёсоқ этардилар. Жаҳоннинг турли қисмидан (ҳозир турган), ҳар қайси мамлакат ва иқлимнинг санъаткорлари, ўз юртидагидай ёшига қараб кийинган ҳолда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, уларда қабул қилингандай ҳар бир диёрнинг зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо ташқинчоқлари, кийим-кечаклар ва матолари билан безанган ҳолда турли расм-русм ва ажабтовур ясан-тусанлар қилдилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз ашулачилар форс тарикасида, ажам тартибида, араб қоидасида, турк йўсунида, мўғул уёлғусида, хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва нақш чизмоқ ила машғул эдилар.

Тўй тайёргарчиликлари тугаб, айш-ишрат учун зарур нарсалар муҳайё этилгач, салтанат, ҳашамат ва улуғликнинг махсус тахтини боргоҳнинг марказига ўрнатдилар. Хотинлар, келинлар, ўғиллар, султонлар ва шаҳзодаларга, шунингдек, қадрдон ва шон-шуҳратли чаввинларга ҳам ҳар бири учун ўз мартабасига қараб жой белгиладилар. Шоҳлик палоси ва шаҳоншоҳлик кўрпачаларини бирин-кетин ёзиб чикдилар.

Ҳазрати Соҳибқирон бошқаларга қараганда улуғвор бир жойда, шараф гўшангасида саодатли ҳашамат билан тўирди ва ёвни куйдириш сифатидан базмни қиздириш сифатига ўтди, куч-қудрат либосини гўзаллик кийимига алмаштирди.

(Қитъа):

Ул жойгаки қиличи шам
каби нур очган экан,
Бош (думалаб) етмаган бир
қадам жой кўрмайсан,
Ул жойгаки лутфи кўзи
бир бор назар солган экан,
Замона богида гуллаб-яшнамаган бирор шох ҳам
бўлмайди.

Сунбула тугаб, мезон бошланди. Осмон шамол, булут ва ёмғир билан ошно тутинди.

Олтиариқ ишчан, шаҳдкор. Ҳокимдан тортиб оддий деҳқонигача ҳамма ўз иши билан банд.

Кечаси ёмғир ерга эмас, деҳқоннинг ичига ёғди, опажон, $\frac{1}{3}$ сухбатдошим Лолахон машинани равон юргизаркан, шаҳдам сўйлайди. — 295 гектар пахта майдоним бор. Қурбонали ака билан Раҳмонжон Ботиров бошлиқ бригада сентябр яримламай планни тўлдирди. Етилиб турган кўсак кўп пайкалда.

Лолахоннинг далалари кўм-кўк, бўғриқиб ётибди, ҳосилдан. Ғўзалари бўлиқ, пояси бақувват — илдизларидан юқори шонасигача шиғил кўсак. Очилганини санайман — 10 дона, етилгани —16-20 дона, яна авж олган ғўзалар гуллаб ҳам турибди.

— Булар 60 кунда етилади, қора кўраклигича қолиб кетади, ерга ўғит бўлади.

Деҳқоннинг кўзи тўқ бўлиб қолди. Энди изиллаб қора совуқда бир чигит пахта териб, ўпкасини совуққа олдирадиган замонлар ўтиб кетди. Ерга ер ҳақи қолдиради. 5-нав пахта — уни ҳалқда чағит дейди — ерга ем учун қолади. Ғўзапояни ҳам ер музлагач, майдалаб тупроққа ташлашади — ернинг ғозини тиклайди. Кузда сочилган бўғдой чайлаб олгач, пахта пайкалига бемалол теримчилар киради. Табиатнинг мўъжизасини қаранг, «ухлаган» бўғдой баҳорда яна нишлаб, 5-6 тадан майсага айланади. Бўғдоймисан бўғдой бўлади бу ерларда.

Лолахон Олтиариқнинг «Нуробод» жамоа хўжалигига келган йилларини ҳеч эсидан чиқармайди. Белида белбоғи бор эраклар эплолмаган, тилини тополмаган қумлоқ, чимлоқ ерларга чигит экиш, боғлар барпо қилиш, сув етаклаб келиш, одамларга меҳнатига яраша ҳақ тўлаши керак эди. Ўшанда совхоз эди, қамишзорлар шовуллаб, қумтепалар юракка даҳшат соларди. Қум ва шамол, гирдибод рақслари — қайга боқманг.

Эх-хе, баҳор эргашиб юраркан юрагида кўклам орзуси бор одамнинг.

Сув эргашаркан дилида умид дарёси мавж урган одамнинг.

Қўли тегса, дарахтнинг илдизлари бол эмаркан боғбон табиатли инсоннинг.

Хуллас, яхшилар бу жўъратли кизни қанотига олишди. Ҳосилот Ойматов, Маматожи ака қўллаб-қувватлади уни.

Мана шу чуваккина, қотмадан келган қизга Рўзалиев Қурбонали ака бўш келма, қизим, яхши ниятинг йўлдошинг бўлсин, деди. Қиз бошинг билан оғир юкни елкангга олибсанми, энди бизга суян, чиғоним.

Жанғу жадаллардан омон келган отаси Неъматилла ака Муродов қизининг кўзига қаради, шу куюнчак фарзандига (аслида у кишининг 6 қизи, икки ўғли бор), қизгинасига қайишди, маслаҳат берди, қаттиққийин кунларда бирга ишлашди, муҳандис-механикликнинг пири дейдилар у кишини.

Полосондан 25-30 км олисда бўлган бу жамоа хўжалигида одам ишлатишнинг ўзи бўладими? Иш қайнаган ёз — ойларида дала шийпонларида бола-бақраси билан ётиб ишлайди деҳқон. Мана бу ораста, гиратрофи райҳонзор шийпонлар кейин қурилди. Дастлабки йиллар ажриқ ерларни тозалаттирди Лолахон.

Оҳ, бу ажриқнинг жони қаттиқ экан, бир илдизи қолса, паталак бўлиб ўсаверади, ғўзага нафас олдирмайди.

Лекин Лолахон ва унинг одамлари ахди қаттиқ, чийралган, пўлод эканлар: майдонларни келинчакнинг уйидай яшил оламга айлантиришди. Шамол ҳужумини қайтариш учун тутлар экишди, тераклар, толлар ўтқазишди. Шундоқ ён-атроф қўшни далалар оқ сувдан — канал сувидан ичади-ю, Лолахоннинг ер-

ОЛТИАРИҚНИНГ ЛАЙЛИСИ



лари зовурлар заҳҳошларга қараб қоладими?

Юғурган одам қараб қолмайди экан. Каналдан бу ерларга сув ташлаш учун насослар зарур эди. Лойиҳа тузилди. У тайёр бўлгач, туман бош планига киритиш учун яна йиллар кутилди. Лолахон ҳўп елибюгурди. Ҳеч кимни ҳоли жонига қўймади. Ниҳоят насос станцияси битди.

Лола опамиз азамат, ажойиб аёл. Фарғона каналининг бир насос станциясини у кишининг номи билан «Лола» деб аташади, — дейди ҳоким Аъзамжон Муҳиддинов ифтихор билан.

60 гектарлик пахта, боғ-роғ ва экинзорлар ўпкаси яйраб оқ сувдан ича бошлади.

Гумбирлатиб Лолахон машинага ўтирди, ер ҳайдади, пахтага ишлов берди, машинада пахта терди. Ўзи меҳнатига, онадай гуллаб-яшнаб ҳосил бераётган тупроқ мўъжизасига маҳлиё бўлиб ишлайверди, йиллар ўтаверди.

Мана 14 йилдан бери Лолахон шу далаларга боғланиб қолди. У эккан дарахтлар ҳосилга кирди, олди тераклар иморатларга айланди, шийпонларга айланди, шийпонлар эса ёз — меҳнат байрами бўлади. Қишда ҳам чироқлар ўчмайди унинг шийпонларида.

— Ҳў, ана у тепаликни кўраяпсизми? — дейди сухбатдошим «Амир Темур» жамоа хўжалиги чегарасига яқинлашарканмиз. — Бу ўша баҳайбат қумтепалардан бири. Уни тарих учун асраб қўйипмиз. Ўтмишдан хотира. Эслатиб турсин.

Йўл бўйларидага зовурларда қамишлар шовуллаб ётади. Чумчиқ-бозор дейсиз. Пахта пайкаллари «бачкилари»да жўхоризорлар, макказорлар. Бўғдойдан бўшаган бўғдойпояларининг бир қисмига деҳқон турп,шолғом, лавлаги экибди. Молҳоли учун, рўзғори учун барака, ўр-кут. Тўй ҳашами учун даромад. Пахтадан оладиганига қўшимча файзу-барака.

— 30та ижарачим бор. 10-15 гектаргача ерлари бор. Пахта илмини яхши билишади. Бу ерларнинг ҳар қаричини кафтида тургандай кўради улар.

Ерни ҳурмат қилган одам, унинг силласини қуритиб, ҳар йил пахта экиб «соғиб» ичавермайди. Бўғдой-пахта, шоли-беда алмаштириб турамиз. Президентимиз хоразмлик деҳқонлар билан учрашувда ернинг қуввати ҳақида ҳўп ажойиб ҳикматни айтдилар: бизнинг шўр, қум табиатли ерларимиз деҳқоннинг машаққатли меҳнати, билими, ерга муҳаббати, тажрибаси эвазига бизга пахта, пилла, шоли, мева-чева беради. Ернинг шўрини ювиб, юрагига қувват бўлмаган деҳқоннинг косаси оқармайди, шоира опам!

Бу қишлоқдан 25 сентнердан пахта олгунча деҳқонман деган онасини кўради. Агар ёзадиган бўлсангиз, гектарчиларимиздан Саломатхон Йўлдошева, Лобархон Сулаймонова, раисимиз Ҳомиджон Турсуновларни мақтанг. Ижобат Эминова, Муҳаббат Турсунова, Ҳасанбой Юнусов каби ёшларимиз ҳақида ҳам яхши сўз айтинг. Мен иш бошқарувчиман. Ерга эгилиб, сарпойчан сув тараб, ҳар гўза бошига сажда қилган, чўлнинг иссиқ-совуғига бардош берган фидойи одамларимизни айтинг, опа!

Лолахон мустақиллик шарофати билан одамлар деҳончилиги анча эркин бўлиб қолгани, бўғдой етиштирса, далага билан тенг шерик бўлаётганини ҳам сўзлайди. Пахтанинг мойи, кунжараси, деҳқоннинг рўзғори, чорваси учун яраб турганини ҳам қўшиб қўйди. Бир пайтлар мотордан яширинча уч дона гугурт чўпи билан моторни ёқиб, кудаларни тўйга олиб боргани, мактабда ўқиб юрганида ҳар кўклам 100 донадан терак кўчатлари элтганини сўйлайди. Унинг тиниқ, дадил сўзларини тинглаб, табиатга разм соламан: тўкис, яшил дунё нафас олади. Гултожихўрозларнинг лўлабошидай пахмоқ атлас бошлари оҳиста тебранади. Ёш хурмо кўчатлари япроғи офтобда тобланади. Ана, дала бошида барглари ялтироқ, «калифорния» тераклари Нуробод тераклари билан шивирлайди. Бу азамат тераклар йилига 5 метр бўй чўзаркан, ширани юқтирмас экан. Чинорлар чўлнинг баҳодирларидай мағрур туради. Бу чинорлардан Лолахон аҳоли учун сўри, курсилар ясаттирмоқчи. Нақкошлар ҳам ўзларидан. Қиш ичи Лолахон бу ерларга кун ора келиб туради, теракларга арра тушмадими? Шийпон қоровулларининг оби-овқати етарлими?

Уйда отаси, бувиси Наймахон ойи аллақачатача қизини кутиб эшикка қарайди: Лолахон қачон келади? Шу содда, меҳнаткаш қизининг бахти қачон очилади? Қачон тўйини кўраман, дейди онаизор.

Лолахон Муродова эса, шоир Йўлдош Сулаймон айтганидай, пахтанинг Тоҳири ҳам шу, Мажнуни ҳам шу, Лайлиси ҳам ўзи. Юрагингдаги боғлар гулга кирсин, муҳаббат баҳори келсин сенга Марказий Фарғона чўлларининг Лоласи.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Олтиариқ

ФАРҒОНАНИ АНГЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Ҳа балли, Фарғонани англамоқчи бўлсангиз... ҳеч ажабланманг бу гапимга, Олтиариққа боришингиз керак, демоқчиман. Тўғрироғи, Фарғонани тушунишни Олтиариқдан бошлаш маъқул. Негаки, Фарғонада Олтиариқ, Олтиарикда Фарғона мужассам. Кўқон-чи, Қува-чи, Марғилончи, Водил-чи, Риштон-чи?.. — деб саволларга кўмиб ташлашингиз мумкин. Бу кўхна ўзбек масканлари ҳаммаси ғоятда ўзига хос, ҳеч бир нарсада бир-биридан қолишмайди. Марғилоннинг ҳар бир кўчаси, Кўқоннинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир гузари ёзилмаган юзлаб рўмон, минглаб достон... Фақат биз ўзимиз ўз юртимизга тикилиб, диққат билан разм солмаганмиз. Ҳали юртимизнинг қандай сир эканлигига ўзимизга ўзимиз ҳисоб берганимиз йўқ. Балки жуда-жуда кўп нарсаларни ўзимиз ўзимизга учун англаб — таг-тагига қадар етганимиз йўқ.

Лекин айтинг, яна қаерда қишлоқ кўчаларида, катта йўлнинг ҳар икки ёқасида узумлар бунчалар олтин тус олиб товланиб ётади? Яна қаерда кўчаларида неча юз тонналаб сарҳал хусайнилар етишиб, на япроғига, на сапсарик товланган лаззатли донасига бунчалар гард кўндирмайди? Қаерда кўргансиз узумнинг шунчалар соғлом ва ширали бўлганини? Одам алайҳиссаломнинг ўзи кўклардан яратганнинг тортиғи деб олиб тушиб олтиариқликларга топширб кетганмикин бу узумнинг уруғини, навини?

Бу ерда ҳамманинг кўзи тўқ. Ҳеч ким ҳеч кимнинг узумидан бекитиқча бир шингил узиб олмайди. Кўзи тўқ одамлар мамлакати қанчалар яхши, олижаноб мамлакат!

Ҳўб, яна қаерда кўргансиз кўм-кўк карсиллаган, тишласангиз, шарбати сапчиб юзингизга сочиладиган лазиз турпни!

Қаерда кўргансиз бу ажиб карсиллаган, тирсиллаган, оғизингизни дарҳол таъмли қиладиган тийрак бодрингларни!

Қаерда кўргансиз бир парча ердан йилда тўрт-беш бора ҳосил олиб, баъзан вазирдан кўра кўпрок даромад қиладиган миришкорларни!

Олтиариқликларни кўзи тўқ, одамлар дедим. Энди иккинчи хислатларини айтай.

Олтиариқликлар ҳамма нарсага разм солиб қарайдиган одамлар. Аввало, ишга разм соладилар. Сўнг ҳеч нарса уларнинг размларидан қочиб қутулмайди. Шунинг учун бу ерда аксар кўчалар, ҳовлилар ойдай ярқираб кетади. Экинзорлар ҳамма ердагидан бунда кўкроқ, яшилроқ, порлайди, шуълаланади. Чунки экин ҳам худди боладек, парвариш кучайган сайин ранг-рўйи очилаверади. Олтиариқликлар экин, дала ва ҳовли парваришига ғоятда омилкор бўлиб кетганлар.

Нега?

Чунки олтиариқликлар парваришдан завқ оладилар.

Парваришдан натижа оладилар.

Улар яшаш маконларига, умргузаронлик ерларига ҳеч қачон бефарқ қарамайдилар.

Шароф Рашидов раҳматли бир пайтлар Олтиарикда бўлиб, Олтиариқнинг бодринг-дай бодринг емадим ҳеч жойда, деган эканлар. Ва кўк тўнини артмай устма-уст иккита бодринг еган эканлар. Олтиариқ бодрингини устини артмай енглар. Соғлом бўласизлар деб луфт этган эканлар.

Олтиариқнинг янги мустақиллик шарафига қурилган ажиб дарвозасидан ўтиб катта йўлдан ястаниб ётган кўкаламзорларга қарасангиз, бу бари шариф табиатли Олтиариқ, Повулғон, Полосон, Файзобод, Окбўйра, Зилха, Жўрак, Янгираб, Ғайрат... — ҳар бирининг кўчалари ўзига тортади, бирма-бир уларни кезиб чиққингиз келади. Уларнинг аллақандай жозибаси бор. Нимаси биландир ўзига мафтун этади. Мафтун этадию аммо тушунтириб беролмайсиз. Балки заминдаги тақрорланмас маконлар мусаффосидир бу... балки мусаффолик, тозалик, соддаликнинг ўта теранлигидир... балки ҳамма нарса ўзича миллий тарихга эгаллигидир ёки одамларнинг нондай осудалиги ва доим ҳаракатда эканлигидир...

Рост, бу ерларда ҳоким Аъзамжон Муҳиддиновдан тортиб, мактаб ўқувчиларигача тиним билмайдилар. Ҳар бирининг ғайрати ўзига етиб ортади. Ишлаган тишлайди деган ҳикматни олтиариқлик ёшу қари том маънода ўзлаштирган ва унга барча ҳаётий эҳтиёжларда риоя этади.

Бу ерда исталган мактабнинг исталган кабинетига киринг. Ярқирайди. Одамнинг кўзини қувнатади. Ақлини пешлайди. Бу мактабларда илғариги қизил шиорбозликлар ва кодексбозликлардан асар ҳам қолмаган. Ҳамма нарсалар боланинг диққатини тарбиялашга ақлини ўстиришга, билимини кенгайтиришга қаратилган.

Олтиариқликлар ўз келажакларига ҳам, ўтмишларига ҳам бефарқ қарамайдилар. Ўтганларни ҳамиша яхши сўз билан ёдлайдилар. Болаларнинг ўқишига энг яхши шароит яратиш пайида бўладилар. Олтиариқликлар юртининг буюк келажаги ҳозир мактаб партасида ўтирганлигини жуда яхши ҳис қиладилар. Бу ернинг ўқитувчилари, мактаб директорлари билан гаплашиб тўймайсиз. Ҳар бирининг ўз улуғ тажрибаси, қараши бор. Туман газетаси «Давр овози»да таълимга бағишлаб махсус сонлар, саҳифалар беришади. Улардан мароқланмай иложи йўқ.

«...Ўқитувчилар сидқидилдан қилган меҳнатлари туфайли гимназия ўқувчиларида, «мен гимназияда ўқияпман» деган фахрланиш ҳиссини уйғота олдилар. Энг асосийси, тумани-миз халқи ўртасида гимназия-интернат ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўлди. 1-синфга 20 ўқувчи қабул қилиш режалаштирилган. Лекин ҳозирча фарзандини гимназияда ўқитиш истаги бўлган ота-оналар 200 дан ошиб кетди...»

Ҳомиджон РАҲИМОВ, Ҳамза шаҳридаги гимназия директори

«... ўқувчиларни саводли қилиш, тил ўргатиш малака кўникмаларини беришда таълимнинг турли воситаларидан фойдаланиб иш олиб бормоқдаман. Дарс жараёнида турли техника воситалари, тарқатмали, кўргазмали манбалардан, турли дидактик ўйинлардан, ноанъанавий дарс услубларидан фойдаланишим дарснинг қизиқарли бўлишини, ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил фикрлашларига ёрдам бермоқда. Мактабимизда барча дарслар хона (кабинет) тизимида олиб борилади. Хона тизимида дарс ўтиш ўқитувчи учун кўлайгина бўлиб қолмай дарс самарадорлигини оширишнинг катта омилидир. Хонамда турли техника воситалари билан бирга юзлаб рангли расмлар мавжуд. Мен булардан ўқувчиларнинг оғзаки нутқларини ўстиришда фойдаланаман. Ўз хонамни чет эл андозалари асосида янгича жиҳозлаб ўқув йилига тахт қилиб қўйдим. Ўқувчиларимни орзиқиб кутяпман...»

Шамшодхон МЎМИНОВА, 13-ўрта мактабнинг олий тоифали катта ўқитувчиси

«... Бизни бой мактаб дейишади. Ҳақиқатан ҳам ўз пулимиз бор. Ҳаммаси меҳнат туфайли. Бу йилги деҳқончиликдан 50 мингга яқин даромад қилдик. Унинг эвазига, ота-оналар кўмаги билан мактаб ремонтини муваффақиятли тамомладик. 2 тоннадан ортиқ бўғдой ҳосили олдик. 2 мингдан ортиқ терак экканмиз. Буларнинг ҳаммаси дарсдан бўш пайтларда, меҳнат таълими дарсларида амалга оширилади».

Ҳафизахон ИСМОИЛОВА, 31-мактаб директори

Бу сўзларни нима деб шарҳласам бўлади? Юрагим тўлиқиб кетади. Миллий тикланиш ҳақиқий маънода қаерда равнақ ғояларига сезгандирсиз? «Бизни жаҳон танисин», «Тарихни билмоқ — қарз» деб турган ўқитувчиларнинг келажакни тарбиялашга астойдил киришганликларини кўрсатмайдими бу содда, лекин ҳатто америкалик муаллимни ҳам завқлантириб юборадиган сўзлар?!

Олтиариқнинг далаларида пахта қулф уриб ётибди. Ҳамма қир ошаман дейди. «Давр овози» мухбирларининг айрим лавҳаларига эътиборингизни тортай:

Мухбирлар Б. ЭЛЧИЕВ ва Х. ЖЎРАБОЕВ чунончи, Т. ҚЎЗИБОЕВ номидаги жамоа хўжалигидан куйидагича репортаж берадилар:

«... албатта суръат кўтарилаётганининг муҳим сабаблари бор. Аввало қисил эрта пишди, далада мўлжалдагидан зиёд ҳосил бор. Теримда сафарбарлик, уюшқоқлик кўрсатиляпти. Ҳар куни 900 нафарга яқин одам пахта териб тўкяпти. Беллашув ташкил этилиб, голиблар учун мукофотлар қўйилган. Биринчи бўлиб режани бажарган бригада бошлиғи, ҳисобчиси ва жамоасига 1 бошдан қўй, қимматбаҳо совғалар ажратилган. Режа 1 октябрга қадар бажарилган бригада жамоларига 5 минг сўм, шофер, механизаторларга бир ойликдан маош мукофоти қўйилган. Мухторали Дарвишев бригадаси қозонларидан гўшт аримайди. Мавсум ичи етадиган сабзавотлари бор. Бригада ҳисобида шароитни яхшилаш учун 15 минг сўм маблағ ҳам тайёр...»

«Давр овози»нинг талантли журналистларидан бири Х.ЖЎРАБОЕВ олтиариқликларнинг томорқа саньати ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«...Томорқа қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбайи. Кейинги пайтда томорқадан фойдаланиш тажрибаси такомиллашди. Бир мавсумда томорқасидан 4-5 хил экин ҳосили олаётганлар кўп. Аҳоли 820 гектар томорқасида бўғдой етиштирди. Ҳисоб-китоблар 3050 тоннадан зиёд томорқа дони бўлишини кўрсатмоқда... Пешона тери эвазига уйида 2-3 тоннадан дон етиштирган одамлар бор.

Полосон қишлоғида 70 гектарлик томорқанинг ҳар гектаридан ўртача 43 сентнердан, Янгиқўрғон қишлоғида 65 гектар томорқада 42 сентнердан, Бўрбонлик, Жўрак, Файзиобод қишлоқларида эса 38 сентнердан дон олинди...

Биргина полосонлик М. Омонов 8 сотих ериданк 600 килога яқин дон кўтарди. Оиласи учун бу дон янаги бўғдой пишиғигача етади...»

Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳ. БОЗОРОВ эса шундай ёзади:

«Хусусий дўкон эгаси Адҳам ҳожи Абдураҳмонов 7-ўрта мактабга йўлдош бино қуриб бериш ташаббуси билан чиқиб, ҳозир қурилишни амалга оширмоқда. Эшон маҳалла оқсоқоли Тўхтасин бува Отаназаров эса канал устига кўприк қуриш ташаббускори бўлди...»

Бўрбонлик оқсоқоли Илҳомжон ОХУНОВ эса бундай ёзади:

«Яқинда туманимиз ҳокими Аъзамжон Муҳитдинов қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашиб, қишлоғимиздаги шифохонада 10 ўринли туғруқхона бўлими ташкил этишга ваъда берган эди. Шу муҳим иш амалга ошди. Янги туғруқхонада янги наслларнинг овози эшитилмоқда...»

«Давр овози»ни варақласангиз, бундай чин маънодаги тикланиш, эркин меҳнат ва шу эркинликда дунёга келаётган янги маънавият қандайлигини равшан ва аниқ тасаввур этасиз.

Олтиариқликлар бизга туман ҳокими ташаббуси билан ўн олти қишлоқда қурилаётган, қуриб битказилаган ўта шинам, миллий руҳдаги кутубхоналарни кўрсатишди, Ҳавасим келди бу кутубхоналарга. Улар ғоятда ораста, қишлоқ аҳли учун жуда қулай. Китоб хазиналари етарли.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1994 йилда Олтиарикда бўлганида қишлоқ инфраструктурасини замонавий асосда тараққий эттириш юзасидан қимматли йўл-йўриклар кўрсатган эди. Бу жиҳатдан эндиликда қишлоқларда ўзгаришлар катта ва ҳаммаси одамни қувонтиради.

Олтиарикда, унинг барча қишлоқ, шаҳарларида тикланиш росмана кучга кирди. Одамлар келажакнинг иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий тамал тошларини қўймоқдалар. Бугун келажагини ўйлайдиган ва шунга кўра яшайдиган одамлар ҳаётда кўп нарсаларга эришадилар. Қодир Аллоҳ уларни ҳамиша қўллайди.

Фарғона вилоятининг ҳокими Мирзажон Исломов ўз шеърларидан бирини «Фарғонадан салом» деган сўзлар билан бошлайди.

Салом — Фарғона маънавиятининг асоси, жон озиғи.

Барча руҳий парвозлар шу саодатли оёздан бошланса не ажаб.

Дарвоқе, бугун Олтиариқ янги асрдаги 70 ёшини нишонламоқда.

У парвозга шай бургутнинг нак ўзи.

Эркин Воҳидов Олтиариқни мангу соғинаман, дейди.

Кентуккилик Гринвел эса: Олтиариққа яна келмасам, бўлмас.

Бу ернинг суви ғоятда ширин экан, дейди.

Олтиариқнинг сувини ширин ва лазиз қилган — унинг одамлари...

Иброҳим ҒАФУРОВ

Олтиариқ, сентябр

ЕТТИ ИҚЛИМГА ТЎЙ

Навоий мукофотига номзодлар

РОМАН — ЭҲТИРОС ВА ҲАҚИҚАТЛАР ДУНЁСИ

Ўткир Ҳошимовнинг деярли барча асарларини ўқиганман, бир қанчаси ҳақида тақризу мақолалар ёзганман. «Дунёнинг ишлари»ни бобма-боб ёдаки ўқиган китобхонни, Музаффарга («Икки эшик ораси»нинг қаҳрамони — А. Р.) бағишлаб шеър битган ўқувчини, Ўткир Ҳошимов қиссасидаги Она тимсоли шарафига боғ барпо этган мухлисни... қўйинг-чи, ёзувчи ижодининг юзлаб, минглаб фидойи шинавандаларини кўрганман. Синчиклаб назар солсам, ёзувчи билан учрашган, мулоқотда бўлган қатор китобхонлар унинг асарларига кирибди: чақмоқдай ибораси, бетакрор белгиси билан ўзлигини эслатиб турибди. Ёзувчи асарларида ҳаётдаги кишиларни танидим, эсладим, рўй берган воқеаларни хаёлан жонлантирдим. Лекин Ўткир Ҳошимов асарларидаги ёзувчи, ижодкор шахс ҳақида ҳеч нарса деганманми? Ёзувчи Ўткир Ҳошимовни китобхон нега яхши кўради? Нега бадиий адабиётни кўп ўқиган, айниқса модерн асарларни хуш кўрадиганлар орасида Ўткир Ҳошимов асарларига беписандлик билан қарашга мойиллар топилади? Ўткир Ҳошимов асарлари кўп ажнабий тилларга таржима қилинган. Сўнгги бир йил ичида Ўткир Ҳошимов ижоди ҳақида ёзилаётган барча мақолаларда ёзувчининг «Тушда кечган умрлар» романи АҚШда, «Икарус» журналида босилгани таъкидланяпти. Романнинг юксак парвоз этишига танқидчилик ҳисса қўшдими? Шу романдаги ёзувчи шахси, портрети ҳақида ҳозиргача ким нима деди? Зўр асар, санъат намунаси танқидчи-адабиётшунос тавсияномасига зор эмас, деган фикр юради. Тўғри, санъат асари ўлмайди, мангу яшайди. Лекин китобхон оммасига, янги авлод мухлисларига ўлмас, мангу асарлар ҳақида гапириб, эслатиб туриш зарур.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов портретидаги бош — ўқ чизиқни миллийлик, анъанавийлик белгилайди. Миллий ўзбек романини Абдулла Қодирий биринчи бўлиб яратди. Романчиликдаги анъаналар «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»дан бошланади. Ўзбек романчилигидаги анъана деганда, куй ва сўз омухталиги — сўзнинг куйга монанд «рақс тушиши» англашилади. Сўзни куйга мослаш, куйни сўзга хизмат қилдириш шоирона, заргарона юмуш. Танқидчилик прозамизнинг, моҳир носирларимизнинг бу хусусиятини аллақачон илғаган, унга «лирик наср», «прозанинг шоири» номини берган. Прозанинг шоири бўлиш истак, хоҳиш билан амалга ошмайди. Прозанинг шоири бўлиш — туғма, табиий бахт. Ўзбек насрида прозанинг шоири бўлиш жуда кам ёзувчиларга насиб этган. Шоирона проза ҳам бир санъаткорда бетакрор йўсинда кўринади. Баъзи ёзувчиларда фалсафий фикр ял-ял ёнади. Баъзиларда жўшқинлик, самимият кишини ром этади. Айримларда сўзлар, иборалар нафис хиром этади.

Ўткир Ҳошимовнинг ботиний портрети «Тушда кечган умрлар» романида кўзга аниқ ташланади. Ёзувчининг илк асарларидаёқ тиниқ тасвир, ифода диққатни жалб эта бошлаган эди. Ёзувчи бирон ҳолатни, бирон воқеани шундай берилиб, самимий тасвирлайдики, китобхон шу ҳолатга ишонади, воқеани аниқ кўради. Бугина эмас. Кейинчалик ўша ҳалот, ўша воқеанинг аввал сезилмаган қаватлари — маънолари намоён бўла бошлайди. Буни ғайришуурий тасвир деймиз. Гоҳо бундай йўсинни савқи табиий ифодалаш дея номлаймиз. Мана шу ғайришуурийликда руҳий тасвирнинг ниҳоятда нозик ифодаланиши сезилади. Ҳали бизнинг танқидчилигимиз анъанавий насримизнинг мана шу томонига диққатни қаратмаган. «Тушда кечган умрлар» романида «Оқимга қарши сузганим бўлсин!» деган боб бор.

Унда оддийгина воқеа тасвирланган: бир тўп шўх болалар саратонда анҳорда чўмилаётган бўладилар. Қилиғи совуқ Соат деган бола шўх-шаддод болаларнинг жиғига тегади. Болалар Соатни анҳорга улоқтириб юборадилар. Ўнг қирғоққа ҳам, чап қирғоққа ҳам чиқишга йўл қўймайдилар. Соат ҳам ўжар. У оқимга қарши жонжаҳди билан сузади. Ҳолдан тояди, ўзидан кетаёзади, лекин оқимга қарши сузишни қўймайди. Қарангки, Соат умр бўйи оқимга-халқ истагига, миллат эҳтиёжига қарши борди. Яқин-яқинларгача темир иродали, темир интизомли Соат Ғиёсовичлар бутмовнинг «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси» сингари романларида, қисса, ҳикояларида коммунист образи яратилган. Лекин ёзувчи коммунистдаги нурли, инсоний туйғуни асос қилиб кўрсатарди. Соат Ғиёсов, гарчи тайёр коммунист, Феликс авлоди бўлса-да, Ўткир Ҳошимов уни зинҳор ижобий қилиб тасвирламас эди. Бундай тасвир ёзувчи услубига зид. Соат Ғиёсович илдиз-илдизи билан Умар закунчи («Икки эшик ораси»), Сайфи Соқиевич («Нур борки, соя бор») билан уланиб кетади. Ўткир Ҳошимов ҳаётида ҳам Соат Ғиёсов тилидаги одамларга зинҳор элакилашмаган. Романдаги Комиссар аниқ режа, кўзга ташланиб турадиган мақсад билан яшайди. Инсон табиий, эмин-эркин, завқ билан яшаши лозим.

«Тушда кечган умрлар» романида Комиссар тимсолининг зидди сифатида Қурбоной хола характери берилган. Соат Ғиёсович қаёқдаю, бечораҳол Қурбоной хола қаёқда? Ёзувчи маҳорати мана шу еру осмон икки образни қиёслай олганида кўринади. Соат Ғиёсович ўта диёнатсиз, иймонсиз одам. У на одамларга, на худога, на ўз оила аъзоларига ишонади!

Шубҳа, нафрат — Комиссар юрагидаги асосий бисот. Ажабки, мана шундай аянчли одам шўро даврида обрў орттирди, давлатнинг ишончли кишиси бўлди. Комиссар учун ўтмиш ҳам, авлоду насл-насаб ҳам, иймону эътиқод ҳам бир пул! У одамларни зир қақшатиб яшашдан ҳузур қилади. Афсуски, қаётда бундай кишилар бўлган, ҳамон бор, яна бўлади.

Қурбоной хола бечораҳол аёл. Унинг болалиги болалик бўлмаган. У оила кўриб ёлчимаган. Қарангки, яккаю ёлғиз қизи ҳам бебахт бўлиб ўтирибди. Қурбоной хола умри бино бўлибдики, писибгина, беозоргина яшайди. Унинг юмуши фаррошлик. Лекин бу аёлнинг қалбида иймон-эътиқод бор. У худога банда, кўпнинг бири эканлигини зинҳор унутмайди. Уни биров ранжитса, худога солади.

У нимадандир хушнуд бўлса, Яратганига ададсиз шукрлар айтади. Комиссар билан Қурбоной хола бот-бот учрашишади. Улар бир-бирларини ёмон кўрадилар. Лекин икки қаҳрамон, зинҳор тўқнашмайди. Шўро адабиётидаги ижобий ва салбий кучларнинг ҳаёт-мамот жанги бу асарда кўринмайди. Ўткир Ҳошимов бу романда конфликтни кенг миқёсда, ўзига хос тарзда кўрсатган.

Романда характерлар аро кураш аниқ-тиниқ кўриниб турмайди. Лекин романда шундай тиниқ тасвир-деталлар борки, уларда ёзувчи портрети ярқ этиб кўзга ташланади. Ўткир Ҳошимов уруш кўрмаган, фаол ҳарбий хизматда бўлмаган. Лекин у уруш қонуниятларини, ҳолат, кайфият, манзараларини шундай аниқ тасвирлайдики, ҳайрон қоласан киши. «Икки эшик ораси»да Кимсаннинг уруш тафсилотлари ҳикояси бор. Уни ўқиб одамнинг эти увушиб кетарди. Мана, афғон урушидан биргина детал: «Тўсатдан гумбурлаган овоз ер кўкни ларзага солди. Тик турган сапёр билан ит бир томонга, энгашиб ўтирганлар бошқа томонга учиб кетди. Жонҳолатда югуриб бордим. Аллакимга қоқилиб кетдим. Қарасам, қор устида қўл ётибди... Қўл билакдан чўрт узулиб кетган, қон оқаётган гўшт орасидан оппоқ суяк туртиб чиқиб турар, бармоқлар эса нуқул қорни чангаллаб, ғимирлар эди» (87-бет).

Романда уруш даҳшатлари акс эттирилган бундай ҳолат, лавҳалар кўп. Ўткир Ҳошимовда қалб нигоҳи билан кўриш, ёзувчилик ўқуви билан тасвирлаш хусусияти ривожланган.

Роман — насрнинг ёш, шаклланиш жараёни давом этаётган жанри. Ҳар бир санъаткор роман таркибига янгиликлар олиб киряпти. Яқин-яқинларгача ҳам роман тугалланган, тарих мулкига айланган воқеа-ҳодиса, характери аниқ билинганлар хусусида ёзилади дер эдик. Ҳозир роман жанрида айсберг (денгиздаги муз тоғларига) ўхшаш ҳодиса рўй беряпти. Ёзувчи ҳозирги кунги кунни қаламга олади-да, тарихга назар ташлайди, фалсафий умумлашмаларга берилади. Романда замон, вақт тушунчаси ўта нисбий аҳамиятга эга. Романни насрнинг шоҳи қиладиган хусусият ёзувчи санъати, фалсафаси, бадиий консепсиясидир. Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» асарида роман жанрининг барча хусусиятлари кўзга ташланади. Бугунги ўзбек адабиётининг роман жанрида эришган ютуқлари «Тушда кечган умрлар»да тўлиқ акс этган. Романда ёзувчининг интеллектуал бой портрети айнан кўриниб туради. «Тушда кечган умрлар» Навоий номидаги мукофотга муносиб асардир.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
ТошДУ дотсенти

Маънавият қирралари

МЕҲР БУЛОҒИ

Бир куни шаҳар бозорида нотаниш бир кимса олдимга келиб ҳурмат билан салом берди ва қўл узатди, кўришдик. Кейин: «Мен ҳов анов Исаевман, сиз туфайли озод бўлдим, ишлаб юрибман, ҳозир бошлиғимиз билан хараж ат қилгани келиб эдик», деб ҳол аҳвол сўрашди. Шунда ўқувчим Иванов кўриниб қолди ва олдимга келиб мен билан қуюқ кўришди. Исаев ҳайрон бўлиб гоҳ унга, гоҳ менга қараб турарди. Шу чоқ Иванов унга: «Бор, шофёрга ёрдам қил», деди. Кейин: «Идорамизда бир хизматчимизнинг олтмиш ёшини қутламоқчимиз», деб мени ҳам кечага таклиф этди. «Айтмоқчи, сиз Исаевни қаердан танийсиз? — деб сўради. Мен: «Ҳа, танийман, лекин бунинг тарихи узун, бу ерда гапириш мавриди эмас», дедим. Иванов мени қўярда қўймай идорасидаги тўйчуққа олиб кетди. «Ташвиш тортманг, уйингизга ўзим элтиб қўяман», деди. Биз машина томон юрдик. Исаев менинг олдимга келиб ийманиб: «Сиз хўжайин билан яхши таниш экансиз, менга рухсат олиб беринг. Менинг онам вафот қилганлар, эртага маросим қилинади, мен сўрашга уяламан. Ўзингиз қутулишга ёрдам берган Роза ҳам шу ерда ишлайди, биз турмуш қурганмиз, уни ҳам эслатиб ўтсангиз», деди. Мен Ивановга воқеани тушунтирдим. Иванов уларга жавоб берди. Фақат «нега ўзи мендан сўрамай, сизни ўртага қўйди», деб сўради. Тортинчоқлик қилаётган экан, дедим. Кейин халқимиз ота-онани қаттиқ ҳурмат қилишини айтдим. У: «Мен буни биламан, сизлар бизга ўхшаб сенсирамайсизлар, ташлаб кетмайсизлар, буни шу ерда ёшлигимдан ўсиб, катта бўлганимдан биламан. Шунинг учун иккаласига жавоб бердим», деди.

Машинада идорасига бордик, кабинетига кириб бироз гаплашгач, мен Исаевни қандай таниганим устида муфассал сўзладим.

Бир вақтлар темир йўл транспорти институтининг 5 гектар ери бўлиб, ҳар йили июл, август ойларида геодезиядан практика ўтилади. Бир куни меҳнат ахлоқ тузатиш ерининг бошлиғи менга келиб (мен практика бошлиғи эдим) ўзлари эгаллаган жой режасини чизиб беришимни сўради. Мен рози бўлдим. Эртасига икки муаллим билан у ерга бордик. Туш вақти эди. Айланиб жой билан танишгач, режа туздик. Мен бошликдан ишларимизга ёрдам қилиш учун беш киши сўрадим. Иложи бўлса саводлироқларини ажратиб беринглар деб илтимос қилдим. Шунда бошлиқ бир кишини, Исаевни чақиртириб келди. У салом бериб, келиб мен билан кўришди. Ўзини Исаев деб танитди. У институтни битирган экан. Мен унга сёмкада бўладиган ишларни тушунтирдим ва ўзига ўхшаган тўрт киши топишини айтдим. Шунда у чизма ишларига яхши рассом аёл борлигини айтди. У Роза исмли ёш аёл эди. Сёмкани бошлаб юбордик. Ажратилган кишилар яхши ишладилар. Ўн кунда ишни тугатиб, типографик планни икки нусхада топширдик. Бошлиқ шунча ишни пулсиз бажарганлик учун бизга миннатдорчилик изҳор қилди. Ёрдамчиларни яхши ишлаганлари учун мукофотлади. Мен ҳам уларга кафедра номидан яхши тавсия ёзиб бердим.

Исаев ва Розани танишим тарихи шундай эди. Иванов мендан «ўн кун уларнинг ҳаёти билан яхши танишибсиз, шулар ҳақида озроқ гапириб беринг», деди. Сўзини ерда қолдирмай баъзи кўрган-билганларимни ҳикоя қилдим.

— У жой жуда катта, бинолари ҳам кўп. Турли миллат вакилларидан эркак ва аёллар сероб. Ўн кун ичида кўплари билан танишиб ҳам олдим.

Бир куни туш пайтида Исаев турадиган хонадагилар тушки ошга таклиф қилдилар.

Сўзларини қолдирмай хоналарига кирдим. Қадди-қоматлари келишган турли ёшдаги кишилар. Дастурхон йиғилгач, икки оғиз дуо сўз қилдим. Ҳаммаларингиз, дедим, худо ёш берсин, кўркам, хушбичим одамсизлар. Қандай сабаб билан бу ерга келиб қолдингиз? Халқимизда нақл бор: «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан» деган. Давлат қонунлари ва халқимизнинг яхши одатларига амал қилиб юрган кимсалар бу ерларга ҳеч қачон келмаслар. Ёшлар, хафа бўлманглар менинг гапимга, Ватан, халқ фойдаси учун хормай-толмай ишлайдиган вақтларингиз. Сизлардан фойдали ишлар кутамиз.

Эркаклар ҳар ерда мардона иш тутган, ўзини, Ватанини ҳимоя қилган, оилани бошқарган ва оила таянчи бўлган. Халқнинг, оилангизнинг орномусини сақлаб иш тутсаларингиз, доим ўзларингиз ва халққа манфаатли бўлади. Мени кечиринглар, сизларга жоним ачиганидан ўзимга яқин тутиб сўзлаяпман. Шу томонларини ўйлаб қадам боссаларингиз, ҳаммаси унутилиб кетади. Шундай бўлишига мен ишонаман.

Бригадир туриб «бизни кечиринг, айбдормиз, пешонамизда бор экан шу кўргуликлар, унда биз айбдор эмас», деди. Мен: бу сўзингиз билан Яратганни айбдор қилмоқчимисиз? Йўқ, ҳаммасига ўзимиз айбдор, ножўя ишни қилмайлик. Исаев, сиз қандай айб билан келдингиз? — деган эдим, ёнидаги шериги: «Хотинини уриб майиб қилган», деди. Мен: «аёллар онадирлар. Фарзандларингизни туғиб боқувчи, тарбияловчи, уйимизнинг гули, озодлик посбони, самимий, меҳрибон, улуғ зотдирлар. Она меҳри-муҳаббатини ҳеч кимда учратмайсиз. Онани каъбам дейдилар. Сиз хотинингиздан узр сўранг, оёғига йиқилинг, у кечирсин. Шунда бирингиз икки бўлади», дедим. Бошқалар менга қўшилдилар. Кейин уларга инсоф, тавфиқ ва соғлиқ тилаб хонадан чиқдим, кузатиб қўйдилар.

Бир оз юрган эдим аёллар ётоқхонасига дуч келдим. Ўрта ёшли бир аёл салом бериб, «бизнинг хонамизга ҳам кириб бир фотиҳа ўқисангиз», деб илтимос қилди. Сўзини ташламай хонага кирдим. Ҳаммалари туриб салом беришди. Мен дуо қилдим ва кўрсатган жойларига ўлтирдим. Бири чой берди, бири иссиқ шўрва келтирди. Кўнгиллари учун икки қошиқ ичдим. Кейин ҳол-аҳвол сўрагач, шошиб турганимни айтиб, уларга бахт, ҳаётий фаровонлик тиладим. Охирида: «сингилим ва қизларим, сизлар ҳаммангиз бир оилани гуллатадиган кишиларсиз. Қандай айб билан бу ерга келиб қолганларингизни билмайман. Лекин ҳаётда доим огоҳ бўлиб юринг.

Аёллар халқ фарзандларининг оналари, она номи-улуғ ном, бунга доғ туширмаслик керак. Аёллар оиланинг кўрки, қувончи, файзи. Билимдонлар халққа баҳо берганда аёлларнинг юриш-туриши, гап-сўзига, кийинишига қараб баҳо берадилар. Аёл номини олган кимса ҳаёли, иболи, орли, номусли бўлиши керак. Чунки она Ватан номи билан бирга юради, она Ватан, она бағри каби ифодалар бор. Она қалб меҳр булоғи дейиладики, дунёда бундан бошқа меҳр булоғи йўқ. Сизлардан сўрайман: шу гапларимни эсда тутиб, андишали бўлиб иш тутинглар. Халқимиз кўр ҳассасини бир йўқотади, дейди. Мен кўп гапирдим, мени кечиринг, энди менга жавоб беринглар, ҳаммаларингизга соғлиқ, узоқ умр тилайман. Эзгу тилакларингизга етиб, оилаларингизда тинч ва осуда ҳаёт кечиринглар», дедим.

Қодир НОРХЎЖАЕВ



Редаксияга хат

НИМАНИ ЎРГАНАМИЗ?

Ҳурматли муҳаррир!

Газетангизда «Ақл ва юракнинг бирлиги — маънавият» деган мақолани ўқиб юракда тўпланганларини сизга тўкишга журъат қилдим.

Жамият ривожининг пойдевори мулк шаклида, деб ўйлайман. Коммунистик тузум халқнинг хусусий мулкини тортиб олиб, «умумхалқ мулки», деган ибора билан аталувчи (жамоат) мулкига айлантирган кундан бошлаб жамиятнинг маънавиятига зарба ета бошлади.

«Умумхалқ мулки» деган сўз эгасизликка олиб келди. Бу эса мулкнинг талон-тарож бўлишига, ўғирликка, порахўрликка шароит туғдирди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш хусусий мулкка асосланган. Шайх Саъдий айтган: «Подшоҳ тўртта бодрингни еса, уламолари полизни ютиб юборади». Шунинг учун адолатли шоҳлар аввало ўзларини тийганлар ва халойиқ улардан ҳайиқиб турган.

Ҳозир пул топганлар имкон ҳам топиб ўзига дачалар, бир нечтадан ҳашаматли ҳовли-саройлар қуриш пайида бўлмоқдалар. Майли буюрсин. Халқ бирдан эмас, бир чеккадан бойийди, мулк, дов-давлат орттиради. Лекин бойлик кетидан ҳеч қачон бундай қилмайди.

Президентимиз миллий давлатда маънавиятни камол топтириш устида жиддий ғамхўрлик қиляпти.

Ростдан ҳам, халқнинг маънавиятни тушуниши одамлар билан ишлайдиган турли даражадаги мутасадди, масъул шахсларнинг маънавияти, қай тарзда иш юритишига жиддий тарзда боғлиқ.

Ўзбекистон мустақиллигининг 6-нчи йили кетяпти. Биласизми, бир қисм кишилар кўчаларда майда савдогарчилик билан овора, ота-оналар бу ишга ёш ўғил-қизларини жалб қилишяпти.

Ёшлар ва ишсиз қолган катталар, аёллар ҳам, узоқ юртларга товар келтириш учун кетиб, болалар уйда ўз ҳолига ташлаб қолдириляпти. Бу ҳолат маънавиятимизга катта зарба етказмайдими?

Мен айтмоқчиманки, маънавият асосан меҳнат жараёнида тикланади. Фақат моддий ишлаб чиқаришни керакли даражада йўлга қўйилсагина, дам олиш, газета-журнал, китоб ўқишга пул ва вақт топадилар. Акс ҳолда менга ўхшаган пенсионерлар фойдали мақолаларни ўқий берамиз! Лекин маънавияти оқсоқ кишилар оқсоқлигича қола беради. Ёшим 76да. Ҳаёт тажрибамга суяниб айтсам: чет эл хусусий сармоядорларига Президентимиз сўзларига амал қилиб чиққан ҳолда шаҳримизда катта-кичик корхоналар қуриш тезлаштирилмаса, одамларни пайдарпай иш билан банд этилмаса, муаммо устига муаммо йиғилаверади. Ҳозир улардан катта солиқ ва фойда олишни мақсад қилиб қўймаслик керак. Улардан бизга қоладигани: ҳом ашёдан банкларга сўмлар қайтиб келмаяпти ва оқибати — ойлик маош ва пенсияларни ўз вақтида тўлаш имконияти йўқолаяпти.

Президентимиз хўб йўл кўрсатмоқдалар: хом ашёмизни товарга айлантириб четга сотмасак, доллар ва тилла қайтиб келмайди-ку!

Одамларимизни катта ва олижаноб ишларни кўзлаб яшашга ўргатайлик. Уларни шунга тайёрлайлик, бизга ҳом ашёни товарга айлантиришни ўргатувчи, ўзлари билан янги технологияга ва мураккаб техника келтириб ўрнатувчи ва, албатта, бегараз сармоядорлар керак.

70-75 йил тупроғимизда қанчадан қанча завод-фабрикалар, «Электромаш»лар, «Механика» заводлари, «Текстилмаш»лар қурилди, ишга тушди. Лекин миллий юксак малакали ишчи-техниклар етиштириш жуда чўзилиб кетди. Нега? Биз яхши шогирд бўлмадикми? Ёки биздан юқори иқтисосли малакали ишчи-техниклар етишиб чиқишдан манфаатдор эмасмидилар? Кўплаб иш ўринлари ҳозир ҳам оқсаб ётганига ўша ўтмиш сиёсат айбдор эмас-ми? Ҳолбуки Асака автозаводи ўзбекдан қисқа вақт ичида юқори малакали мутахассис тайёрлаш мумкинлигини кўрсатди-ку!

Миллий мустақиллигимизнинг, тикланишимизнинг гарови ҳам шунда деб ўйлайман.

Бу жиҳатдан юртбошимизнинг ҳамма тутган ишлари ва тадбирлари бизни қувонтиради.

У кишига узоқ умр ва партиянгиз, газетангизнинг Ўзбекистон Миллий Мустақиллиги йўлидаги ишига муваффақият тилаб, —

Нўъмонхон РАҲИМ ўғли

Қўқон

Фарғонажоним

Она тилинг қайтди, қайтди иймонинг,
Тарихинг билмоққа бўлди имконинг.
Қодир фарзандларинг тиклагай шонинг,
Насибанг бут бўлсин, бут бўлсин нонинг
Тангрим тақдиримга битган жаҳоним —
Она тупроғимсан, она Туроним.

Дейдилар от изин тойлар босадир
Абдулло, Эркининг хассос ёзадир.
Ойбек, Олимжондек кўнгли тозадир
Танти Таваккалинг хўп овозадир
Тангрим тақдиримга битган жаҳоним
Туроним бағрида Фарғона, жоним.

Эл омон, юрт омон, омонда бўлгин,
Пешонаси ёруғ замонда бўлгин,
«Юрак ичра қоплон шуҳут ичра шеър» —
деганлар ул пирим ҳазрат Алишер.
Тангрим тақдиримга битган жаҳоним
Шеър диллар маскани Фарғонажоним.

АЛЛА АЙТГИН

Вилоят «Эпли келин» кўрик-танлови совриндори шифокор қизим Муҳайёга.
Алла айтмаклик савоб.
Тангрига қилгин тавоб.
Халқ сўзи.

Алла тинглаб очилган кўзим,
Қўшиқ айтиб улғайдим ўзим.
Ҳўп куйладим муҳаббатни ман,
Ҳеч туймадим оҳангига ҳам.

Ўтди ёшлик даври - навқирон,
Поёни ҳам кўринур аён.
Айтилмаган армоним қўшиқ,
Алла айтгин қўшиққа қўшиб.

Абадият қўшиғи алла,
Айтгин оқшом, яна тонг палла.
Эшитганлар бўлсинлар омон,
Дорул зиё бўлғуси замон:

Шамол ўйнар эшикда
Дунё ётар бешикда...
алла...
Отангга суянч бўлгин
Туронга таянч бўлгин —
алла... аллаё...

ТОМЧИЛАР

Бу дунё ухлоқ жон
Охират уйғоқ...
Беруний

— Оила мехрдандур...
— «Фарзанд ўзилмас арқон» дейдилар.
Меҳр нуридан кемтик кўнгиллар тўлиб,
Ўксук кўнгилар кўтарилиб турса
Инсонни руҳи-равон бўлади.
Равон йўлда эса қоқилмайдилар.

ДИЛИМДА ҚОЛДИ

(Устоз Таваккал Қодировни эслаб)
«Шундайлар бўлмаса агар дунёда
Бу қадар муқаддас бўлмасди аёл...»

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ўғли сатрлари гўё ҳамқишлоғимиз Қундузой момо Ҳошимова (88 ёшли)га айтилгандай. Бу онахон турмуш ўртоғи Орифжон Ҳошимовни фронтга жўнатганда ёшгина жувон эди. Уч фарзанди Абдусалим, Набижон ва Абдуҳакимлар билан зор-зор йиғлаб қолган, ҳануз кутади. Ғалаба байрамига ана шу интизор она-болалар ҳайкали яратилди. Уни очилиш маросимига 13000 дан зиёд аҳолига эга бўлган Бешбола қишлоқ фуқаролар йиғини фахрийлари ва кўплаб меҳмонлар таклиф этилди. Шулар сафида халқимизнинг ардоқли санъаткори Таваккал Қодиров ҳам бор эдилар.

Табриклар қутловларга, куйлар қўшиқларга уланди. Шунда ота-оналар «Тановор»ни айтиб беришни сўрадилар. Устоз тавозе ва ним табассум билан: мен «Тановр»ни Омонжон билан айтаман, дедилар ва мени ёнига чорладилар. Халойиқ бу санъаткорни ҳам ҳайрат ҳам ажабланиш билан кузатар экан, устоз сири, салобати, бизга тикилиб турган юзлаб кўзлар...

Торнинг ҳазин пардалари ноласи, меҳр тўла кўзлар менга далда, қолаверса, ёнимда буюк санъаткор - «суянган тоғ»нинг борлиги дадиллик бериб қўшиқни бошладик:

«Ўзим ҳар жойдаман...»

Давра жон қулоғи билан тинглар, ажиб бир шукуҳли жимликда қўшиқ айтардик. Соз авж пардаларга кўтарилар, фақат ва фақат устозгагина хос бўлган сўнгсиз авж яқинлашар, мен бутун борлиғим билан асир эдим ва ниҳоят:

«Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга...»

Устознинг «ийи-ийи» деган сўзларидан ҳушимга келиб кўзимни очсам, не кўз билан кўрайки, торни бағрига босганларича менга ҳайрат, ҳавас ва чексиз меҳр тўла кўзлари билан боқиб турар эдилар. Қўшиқ тугади.

Мени кўксига босиб: «Мен бахтлиман. Шогирдларим кўп, лекин Омонжон юракдан шогирдим», дедилар фахр билан. Мен бу бахт ва кутилмаган баҳодан лол эдим. Кейин билсам, «Тановр»ни авжини бошлаб фарёдида мени «синаб» қўйган экан. Шу куйи қайси давраларда бирга бўлсак, «Тановр»да мени чорлар эдилар...

Унинг ўлмас «Тановр»и
дилимда қолди,
Сўнгсиз авжи фарёдлари
тилимда қолди...

Омонжон ҲОШИМОВ

Фарғона

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0604.
3526 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топширилди — 23.15
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ
1 2 3 4 5 6